Mustaqil gazeta

HURRIYAT

O`zingni angla!

№ 49 (559)
2007-yil
5-dekabr

Газетамизга 2008 йил учун обуна давом этмоқда.
Муштарийларимиз сафида бўлинг!
Нашр кўрсаткичи — 233.

1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ➲ Chorshanba kunlari chiqadi ➲ E-mail: hurriyat@mail.ru ➲ http://www.hurriyat.uz

Маҳорат ёш танламайди

Аввал бошда уйдагилар футбол билан шуғулланишимга унчалик ҳам рўйхушлик беришмади. Аммо мен ўз йўлимни танлаб бўлган эдим. Устозим ва терма жамоамизнинг бош мураббийи Анвар Исмоиловнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши боис футболга бўлган иштиёқим янада ортди.

➪ 4-бет

Яқин Шарқ: тинчлик йўли нақадар узоқ

Аннаполис анжуманининг муҳим муваффақиятларидан бири шундаки, кўпдан буён юз кўрмас бўлиб юрган Фаластин ва Исроил раҳбарлари яна бир маротаба тинчлик масаласида ўзаро фикрлашиш имконига эга бўлишди.

➪ 5-бет

Муяссар Раззоқова: «Опера – ўта таъсирчан, ўта жозибадор санъат»

Ҳар доим саҳнага чиқиб операда янги тимсолларни яратиб, халққа тақдим этаётганимда бутун борлиғимни унутаман. Куй сеҳридан кўнглимда кечирган, ҳис қилган таассуротларнинг лаззатини сўз билан тасвирлашга ожизман.

➪ 8-бет

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримов 4 декабрь куни Хоразм вилояти сайловчилари билан учрашди.

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИ

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 13-Хоразм округ сайлов комиссияси раиси Р.Эшчонов очди. Йиғилганлар номзоднинг дастури билан таништирилди. Дастурда мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни узлуксиз давом эттириш, демократияни мустаҳкамлаш, қонун устуворлиги ва ижтимоий адолатни таъминлаш, фермерлик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, сармоявий муҳитни янада яхшилаш, солиқ юкини камайтириш, ишлаб чиқаришга илғор технологияларни кенг жорий этиш, халқнинг турмуш фаровонлигини янада ошириш каби муҳим масалалар ўз ифодасини топган.

Учрашувда Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўзининг юксак самараларини бераётир. Иқтисодиётимиз ва халқимиз фаровонлиги, турмуш даражаси тобора юксалмоқда. Пенсия таъминоти такомиллашиб, пенсия ва ижтимоий нафақалар миқдори, аҳолининг реал даромадлари мунтазам ошириб борилмоқда. Мамлакатни модернизация қилиш ва демократлаштириш, иқтисодий ва сиёсий соҳаларни либераллаштириш жараёнлари изчил давом этмоқда. Буларнинг барчаси олиб борилаётган ислоҳотларнинг самарадорлигига алоҳида эътибор қаратилаётгани, халқ фаровонлиги ва даромадларини ошириб боришга доир стратегик вазифалар изчил амалга оширилаётганининг амалий натижаларидир.

Ислом Каримов Хоразм жаҳон илм-фани ва маданияти ривожига беқиёс ҳисса қўшган тараққиёт бешикларидан бири эканини таъкидлади. Бу ерда ўн аср муқаддам ташкил этилган Маъмун академияси Шарқнинг энг йирик илм-маърифат масканларидан биридир. Хоразм воҳасидан етишиб чиққан Абу Мусо ал-Хоразмий, Паҳлавон Маҳмуд, Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди сингари буюк боболаримиз билан халқимиз ҳақли равишда фахрланади. Уларнинг ворислари бугунги кунда илм-фан, таълим, спорт ва бошқа кўплаб соҳаларда улкан ютуқларни қўлга киритиб, юртимиз ривожига муносиб ҳисса қўшаётир.

Учрашувда сўзга чиққан Хоразм амалий ва бадиий ишлаб чиқариш корхонаси ёғоч ўймакори Ҳаитмуҳаммад Боғбеков, "Туямўйин-Урганч" сув қувурларидан фойдаланиш бошқармаси эколог-муҳандиси Шавкат Эшматов, сержантлар тайёрлаш мактаби тингловчиси Азимбой Иброҳимов, ЎзЛиДеП Қўшкўпир тумани кенгаши раиси ўринбосари Дурдона Қобулова ва бошқалар ижтимоий ва иқтисодий барқарорликни таъминлаш, иқтисодиётни ривожлантириш, мамлакатимизнинг халқаро миқёсдаги нуфузини ошириш, энг муҳими, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш борасида амалга оширилган буюк ва бетимсол ишлар бевосита Ислом Каримов номи билан боғлиқ эканлигини алоҳида таъкидладилар. Ислом Каримов номзодини қўллаб-қувватлаш мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларни бундан кейин ҳам изчил давом эттириш, иқтисодиётни ривожлантириш ва халқимизнинг турмуш фаровонлигини янада юксалтириш каби масалаларни амалга оширишда муҳим кафолат бўлишини қайд этдилар. Сайловчиларни 2007 йил 23 декабрда бўладиган Президент сайловида фаол иштирок этишга чақирдилар.

В. ЛУҚМОНОВ,
Ш.ХУДОЙБЕРГАНОВ,
ЎзА махсус мухбирлари.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Аслиддин Рустамов 4 декабрь куни Сурхондарё вилояти сайловчилари билан учрашди.

АСЛИДДИН РУСТАМОВНИНГ СУРХОНДАРЁЛИК САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВИ

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 10-Сурхондарё округ сайлов комиссияси раиси Р. Ашуров очди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили, Халқ демократик партияси Сурхондарё вилоят кенгаши раиси Ҳ. Эрматов йиғилганларни номзоднинг таржимаи ҳоли ва дастури билан таништирди.

Дастурда мустақиллик йилларида республикамизда барча соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар салмоқли натижаларни бераётгани қайд этилган. Мамлакатимиз иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамланиб, халқ фаровонлиги юксалмоқда. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга эътибор кучайтирилиб, нафақа ва бошқа ижтимоий тўловлар миқдори муттасил ошиб бормоқда. Коммунал хизмат, экологик мувозанатни таъминлаш ва бошқа соҳаларда ҳам кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод А.Рустамов нутқ сўзлади.

Тадбирда сўзга чиққан Термиз туманидаги "Янгиариқ" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Олмахон Бердимуродова, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қизириқ туман кенгаши раиси Жўрақул Нормўминов, Термиз шаҳридаги "Тез тиббий ёрдам" станцияси бош врачи Зоя Нурова ва бошқалар Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кўппартиявийлик асосида, ошкора ўтаётгани ҳамда халқаро нормаларга тўла мос келишини алоҳида таъкидлаб, сайловчиларни 2007 йил 23 декабрь куни бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишга чақирдилар.

Х.МАМАТРАЙИМОВ,
ЎзА мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 йиллиги олдидан

Бахтли келажак кафолати

Мамлакатимизда ёшларнинг камол топиши учун ҳар томонлама ғамхўрлик қилинмоқда. Зеро, келажагимиз бугун улғаяётган авлод қўлида. Бош Қомусимизнинг кўп моддаларида бу эзгу амаллар мухрлаб қўйилган. Жумладан, «Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади» (13-модда) дейилган.

Асосий Қонунимиз қабул қилинганига 15 йил тўлаётган кунларда жойларда кўплаб тадбирлар бўлиб ўтмоқда. Хусусан, пойтахтимиздаги Марказий офицерлар саройи кутубхонасида ташкил қилинган Конституциямизни шарафлашга бағишланган анжуманда иштирок этган фотомухбиримиз Козим Ўлмасов олган ушбу суратда иштирокчиларнинг ўша дамдаги кайфияти мухрланган. Суратда Тошкент ахборот технологиялари университети талабалари: Рустам Аҳмедов (ўнгдан), Дилмурод Сатторов ва Нодира Қўчқорова таассуротларини ўртоқлашмоқда.

Миллий ўзликни англаш Қомуси

2007 йил 8 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилинганлигига 15 йил тўлади. Бу давр олис мозийдан далолат берувчи тарихий тараққиёт учун гарчи узоқ вақт бўлмаса-да, аммо мустақил Ватанимиз конституциявий нормалари ривожланиши жиҳатидан муайян сарҳисоб қилинадиган босқичли муддатни қамраб олади десак, муболаға бўлмайди.

Айниқса, фаол демократик янгиланиш даврида Конституциянинг сиёсий ҳаётийлиги, ҳуқуқий қадр-қиммати янада яққол намоён бўлмоқда. Конституция миллий ҳуқуқий қадрият сифатида жамият ва давлат ҳаётида ижтимоий адолат ва қонунийликни таъминлашнинг муҳим пойдеворидир. Бахтимиз Қомуси, энг аввало, миллий ўзликни англаш, ҳур ва озод Ватанни барпо этиш имкониятини берди. Бунинг маъноси шуки, айни Конституция илк маротаба "Ўзбекистон – суверен демократик республика" сифатида вужудга келишига асос солди. Мустақил давлатнинг конституциявий асоси яратилиши халқимизнинг хоҳиш-иродасининг рўёбга чиқиши, унинг манфаатларини ифода этиш имконини берди.

Миллий ўзликни англаш ва миллий ўз-ўзини англаш тушунчалари билан узвий боғлиқ. Фалсафий қомусий луғатда миллий ўз-ўзини англашнинг мазмуни (маъноси) ўз ифодасини топган. Миллий ўз-ўзини англаш – ҳар бир миллат (элат)нинг ўз-ўзини реал субъект, муайян моддий ва маънавий бойликларнинг эгаси, ягона тил, урф-одатлар, анъаналар, қадриятлар ва давлатга мансублигини, манфаатлар ҳамда эҳтиёжлар умумийлигини тушунишни қамраб олади. Миллий ўз-ўзини англаш миллий шаклланиш жараёнининг юқори босқичи бўлиб, миллат манфаатларини ҳимоя қиладиган муҳим омилдир.

Миллий ўзликни англашнинг энг муҳим белгиси сифатида ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганлиги муҳим аҳамият касб этди. Илк маротаба давлат суверенитетининг рамзи бўлган байроқ, герб ва мадҳияга эга бўлганлигимиз юртдошларимиз ҳар бирининг вужудини жунбушга келтирди. Ватан тақдирини ўз тақдири билан боғлиқ ҳолда ҳис қиладиган ҳар бир инсоннинг ўзлигини англаши ёшларни давлат суверенитети ғояларига содиқлик руҳида тарбиялашда ҳам катта аҳамиятга эга.

Давоми 3-бетда.

Сана

Мангу янгра, мадҳиям!

10 декабрда мустақил давлатимиз мадҳияси қабул қилинганига 15 йил тўлади. Маълумки, Мадҳия ҳар бир суверен мамлакатнинг Байроғи, Герби, Конституцияси каби миллий қадрият ҳисобланади ва алоҳида эъзозланади.

Ўзбекистон Республикасининг мадҳияси халқимизнинг икки забардаст ижодкодлари – Мутал (Мутаваккил) Бурҳонов (бастакор) ва Абдулла Орипов (шоир) салоҳиятининг уйғунлигида яратилган баркамол асардир. Мадҳиямиз ер юзининг турли нуқталарида – гоҳ расмий сафарлар муносабати билан, баъзан Ватанимиз обрўсини кўз-кўз этган асил фарзандлар шарафига, шунингдек, нуфузли анжуманларда мардонавор янграб келаётир. Миллий қадриятларимиздан бири сифатида мадҳия юртимизнинг қўшиқ ва оҳангга йўғрилган ташриф қоғози, янгроқ овозидир.

Мустақил юртимизнинг ўзига хос, тантанавор, ҳар жиҳатдан маҳобатли, юксак мақомли мадҳиясини яратиш учун бастакору шоирнинг астойдил меҳнат қилганлиги маълум (саҳифада ўша жўшқин ижод маҳсули давлатимиз мадҳияси яратилган мусиқа асбоби — пианинонинг суратини ҳам эълон қилмоқдамиз. Зеро, унинг клавишларида улуғ санъаткорнинг бармоқ излари қолган).

Бундан бир неча йиллар муқаддам мухлисларнинг илтимосига кўра мамлакатимиз мадҳиясининг шеърий матни муаллифи уни сатрма-сатр изоҳлаб берган эди. Ушбу шарҳ мадҳиямизнинг ҳар бир банди, сўзини изоҳлаб берганлиги билан эътиборлидир. Бугун муштарийлар ҳукмига ушбу шарҳни ҳавола қилишни лозим топдик.

I.1. Ўзбекистон жойлашиш ўрнига кўра қуёшли бир масакандир. Бу маскан барча фуқароларнинг муқаддас саждагоҳи, бахту нажот қалъасидир.

I.2. Ўзбек халқи ўз тарихига кўра дўстпарвар, каттаю кичикка баравар мурувват кўрсатувчидир. Тарихда бунга мисоллар жуда кўп.

I.3-4. Ўлканинг шону шуҳратини таъмин этувчи омил, албатта, илм, фан ва ижоддир. Тарихда ҳам шундай бўлиб келган. Масалан, Беруний, Ал-Фарғоний, Имом Бухорий, Улуғбек, Навоий ва бошқа алломалар. Улар Ўзбекистон шуҳратининг жаҳондаги мақомини белгилаб келди. Бундан буён қам бу юксак парвоз давом этажак.

II.1. Ўзбекистон тоғлар, гўзал водийлар ўлкаси. Жумладан, Фарғона водийси, Хоразм воҳаси ва ҳоказо. Беҳисоб табиий бойлик, жаннатий гўзаллик – буларнинг барчаси Ўзбекистон жамолини белгилайди.

II.2. Ўзбек халқи ҳар қандай ишга қўл ураётганда ота-боболар руҳидан мадад тилаб келган. Аждодларнинг хотиралари, қадамжолари ўзбеклар учун ҳамиша муқаддасдир. Мард, улуғ боболар номи ёд этилади. Амир Темур, Заҳириддин Бобур, Жалолиддин Мангуберди, Нажмиддин Кубро, Маҳмуд Таробий сингари боболаримиз миллатнинг фахридир.

II.3-4. Тарихда шахсларнинг хизматлари, обрў-

Давоми 3-бетда.

Ўзбек фильмлари халқаро фестивалда

Малайзия пойтахти Куала-Лумпур шаҳрида халқаро кинофестиваль бўлиб ўтди.

Кинофестивалда Осиё, Африка, Европа, Шимолий ва Жанубий Америка киноусталари томонидан суратга олинган бадиий фильмлар намойиш этилди.

Сир эмас, охирги йилларда юртимиз кино санъати намуналари халқаро танловларда юқори совринларга сазовор бўлмоқда. Куала-Лумпурда ўтган фестивалда ҳам ўзбекистонлик кинематографлар ажойиб бадиий фильмлар билан иштирок этишди. Бу гал фестиваль ҳайъатига режиссёр Ёлқин Тўйчиевнинг «Чашма» ҳамда Зулфиқор Мусоқовнинг «Ватан» бадиий фильмлари тақдим этилди. Юртимиз кино санъати вакиллари томонидан суратга олинган ҳар икки фильм ҳакамлар ҳайъати томонидан юқори баҳоланди.

Ойбек ШОСАИДОВ

2007-yil 5-dekabr | Mustaqil gazeta HURRIYAT O'zingni angla!

Ҳаётимизнинг унутилмас онлари

Дунёда халқни халқ, миллатни миллат сифатида улуғловчи шундай мезонлар борки, улар туфайли ҳар қандай эл ўзининг кимлигини англайди, неларга қодирлигини, бошқалар олдидаги обрўйини ҳис қилади. Собиқ иттифоқ даврида халқимиз бошига шундай кунлар келдики, ҳатто кимлигимизни, қандай буюк аждодларнинг вориси эканлигимизни айтишга ҳам истиҳола қилардик. Бугун ўша мустабид тузумнинг тазйиқларини кўрган бир одам сифатида айтаманки, халқимизни зулматдан зиёга олиб чиққан истиқлол чин маънода ўзбек миллатини бутун дунёга танитди.

Шу боис миллионлаб юртдошларимиз қатори мен ҳам мустақиллигимизнинг илк кунларидан уни мустаҳкамлашга астойдил бел боғладим. Ўша даврда ишни ўзим бош бўлган "Ўзбекистоннинг 50 йиллиги" маҳалласини "Ўзбекистон Мустақиллиги" номига ўтказишдан бошладик. Шу йили илк бор Хожа Аҳмад Яссавий қабларини зиёрат қилишга бир гуруҳ оқсоқоллар билан бордик. Сафаримиз давомида менга энг таъсир қилган воқеа — Яссавий бобомиз мақбараси атрофини супуриб юрган отахоннинг сўзлари бўлди. Ҳаммамизнинг Ўзбекистондан, Аллоҳ назар қилган юртдан эканлигимизни билган мўйсафид: "Сизларнинг Юртбошингиз улуғ зот эканлар, Ўзбекистонда нон ва бошқа маҳсулотлар жуда сероб экан" деди. Яна отахон мендан:

— Сиз, болам, юрт бошлиғи билан учрашганмисиз? — деб сўрадилар. — Агар учрашиш насиб этса, менинг номимдан у кишига шу гапларни етказинг, — деди. Шу-шу менинг кўнглимда Президент билан учрашиш, агар учрашиш насиб этса, у кишига дилимдаги гапларни етказиш истаги туғилди.

Биринчи учрашув

Ўша зиёрат сафаридан қайтганимиздан сўнг орадан кўп ўтмай Тошкент шаҳри фаолларининг йиғилиши бўлди. Унга пойтахтимизнинг барча туманларидан маҳалла фаоллари, оқсоқоллар, ишлаб чиқариш илғорлари таклиф этилди. Шулар орасида мен ҳам бор эдим.

Йиғилишда Юртбошимиз иштирок этиб, нутқ сўзлади. Давлатимиз раҳбари ушбу чиқишларида барча қатнашчиларга ўз миннатдорчиликларини изҳор қилдилар.

Бирин-кетин сўзга чиққанлар орасида менга ҳам навбат берилди. Мен ўз сўзимда сайлов олдидан маҳалладошларим билан Аҳмад Яссавий мақбарасини зиёрат қилганимизни, унда бир нуроний отахоннинг Ўзбекистон ҳақида, халқимизнинг нақадар бахтли эканлиги, Юртбошимизнинг доно ва одил сиёсати хусусида сўзлаганларини айтиб бердим, залда гулдурос қарсаклар янгради.

Юртбошимиз билан бўлган ушбу илк учрашув ҳаётимда ўчмас из қолдирди. У зотнинг камтарлиги, инсонга бўлган эътибори, ғоят меҳрибонлиги ўшанда мени ҳайратда қолдирган. Шу кундан бошлаб Президентимизнинг буюк келажак, Ватанимизнинг ёруғ истиқболи ҳақидаги ҳаётбахш сўзлари, бу йўлда олиб бораётган дадил қатъий сиёсати ва кўлами ҳаётимнинг мазмунига айланди.

Иккинчи учрашув

Орадан кўп ўтмай мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳрида шеърият мулкининг султони Мир Алишер Навоийга муҳташам ҳайкал ўрнатилди. Ўша куни тонгдан шаҳар аҳли ва меҳмонларга ош берилди. Куннинг иккинчи ярмида бобомиз ҳайкалининг очилиш маросими бўлди. Маросимда Президентимиз ҳам иштирок этдилар. Ўзбекистон халқ шоири, Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов тантанани очиб, Юртбошимизга сўз берди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида хориждан келган меҳмонлар ва тадбир қатнашчиларига мурожаат қилиб, халқимиз Мир Алишер Навоий ҳазратлари орзу қилган даврга етиб келганини, бу тўй ўзбек миллати учун чинакам байрам, қадриятларимизни яна бир бор улуғлайдиган шодиёна эканлигини таъкидладилар.

Шундан сўнг жамоатчилик орасидан ҳам бир неча вакиллар сўзга чиқишди. Улар орасида Маккаи мукаррама шаҳридан келган азиз меҳмон Сафохон Тўра ҳам бор эдилар. Бу ватандошимиз ўз сўзида жаннатмакон юртимиз ва унинг биринчи Президентига самимий тилаклар билдириб, ушбу ҳайкалнинг тикланиши улуғ шоирга юксак эҳтиром нишонаси бўлганини айтди. Шу анжуманда қатнашиб, улуғ инсонлар билан бирга бўлиб, уларнинг суҳбатидан баҳраманд бўлганим менинг учун жуда катта бахт ва унутилмас хотира бўлиб қолди...

Учинчи учрашув

Юнусобод даҳасининг маркази ҳисобланган Амир Темур кўчаси билан Аҳмад Дониш кўчаси кесишадиган чорраҳада 2000 йилларга келиб, машиналар қатнови қийинлашиб кетди. Шу сабаб бу ерда тез-тез нохуш ҳодисалар содир бўла бошлади. Бу ҳам етмаганидек, шу ерда қурилган кўримсиз бозор кўча қатновини тўсиб қўйганди. Президентимиз бу ердаги аҳволни кўриб, тезлик билан кўприк қуриш лозимлиги, деҳқон бозорини эса бошқа жойга кўчириш кераклиги борасида таклиф-тавсиялар бердилар.

Президентимизнинг бу топшириқлари олти-етти ойда тўла-тўкис бажарилди. Ўша йили Мустақиллик байрами арафасида янги қурилган бозор ва кўприкнинг очилиши бўлди. Не бахтки, ушбу маросимга мен ҳам таклиф этилдим.

Шу куни Президентимиз ҳукумат аъзолари билан Юнусобод деҳқон бозорининг очилиш маросимига етиб келдилар. Ҳаммамиз билан қўл бериб кўришдилар. Давлатимиз раҳбарининг мендай бир кекса отахонга кўрсатган бундай эътибори қалбимни тўлқинлантириб юборди. Яна Юртбошимиз менга қараб: "Қани, отахон, дуо қилинг", деганларида, ўзимда чексиз бир қувончни туйдим.

Қўлларимни дуога очиб, "Шундай жойда Сизнинг ташаббусингиз билан бозор қурилди. Яна бу бозор Юнусободнинг қоқ марказида бунёд этилди. Бунинг учун туманимизнинг барча аҳли, нуроний кексалари Сизнинг ҳақингизга дуо қилмоқдалар", деб фотиҳа қилиб, сўзимни якунладим.

Шунда Юртбошимиз учрашувни суратга олаётган операторларга қараб: "Эй барака топкурлар, мана бу оталаримизнинг дуойи фотиҳаларини ойнаи жаҳон орқали бутун Ўзбекистон халқига кўрсатинглар", дедилар. Сўнг Президентимиз бугунги ёшлар ҳақида тўхталиб, "Мусофир бўлмаган — мусулмон бўлмас, оғирлик кўрмаган ҳозирги кунимизнинг қадрига етмас", деган сўзлар бор. Сиз бунга нима дейсиз", деб менга савол бердилар.

Мен ўз жавобимда Рудакийнинг *"Кимки олмас ҳаётдан таълим, унга бўлмас ҳеч ким муаллим"* деган ҳикматли тўртликларини айтиб бердим Шунда у киши:

— Жуда яхши, — дедилар.

Бизнинг бу самимий суҳбатимиздан бошқалар ҳам мамнун бўлишди.

Эътироф

Орзулар амалга ошганда

Ислом ака ўзларининг кўп чиқишларида: "Юнусобод номи ҳам обод, ўзи ҳам обод бўлиши керак", — деган гапни айтадилар. 2001 йил 12 май куни азим Тошкентимизнинг ушбу тумани яна бир тарихий воқеага гувоҳ бўлган эди. Эрта субҳидамда эл-юртга ош берилиб, "Шаҳидлар хотираси" зиёратгоҳининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Мен мажмуанинг очилишида муҳтарам Президентимиз ёнида туриб, Юнусобод аҳолиси, отахону онахонлари номидан бундай савобли ишлари учун у кишига миннатдорчилик билдирдим. Шундай қисқа фурсатда, миллатимизнинг асл фарзандлари хотирасига атаб бунёд этилган бу муҳташам ёдгорлик ҳали кўп авлодларга ўтмишимиздан сўзлаб туришини айтдим.

Орадан бир-икки йил ўтмай, мажмуа ёнида Ватан озодлиги йўлида қурбон бўлган аждодлар жасоратидан ҳикоя қилувчи кўркам музей биноси ҳам қуриб битказилди. Мен бу мажмуаларнинг фақат очилишида иштирок этиб қолмасдан, маҳалламиз аҳли билан хашарларда ҳам қатнашдим, белни маҳкам боғлаб меҳнат қилдим. Ҳозир шуларни эслаб айтаманки, бу бунёдкорликлар, гўзал пойтахтимиздаги беқиёс ўзгаришлар осонликча бўлгани йўқ. Уларнинг ҳар бири халқимизнинг улкан яратувчанлик меҳнати билан амалга оширилган тарихий ишлардир.

Ушбу кўнгил эътирофимда мен Ватанимиз пойтахти Тошкент шаҳри ҳақида, унда амалга оширилган беқиёс бунёдкорлик ишларининг айримлари хусусида, айниқса бу қурилишлар жараёнида муҳтарам Юртбошимизнинг мен каби оддий фуқаролар билан қилган самимий мулоқотлари тўғрисида қисқача тўхталдим. Булар ўзим иштирок этган ва гувоҳи бўлган воқеалардан айримларигина холос. Юртимизда амалга оширилаётган бундай катта ишларни, кўламли қурилишларни санаб охирига етиш қийин. Айни дамда ҳар куни бир янгилик — хурсандчилик бўлиши, янада гўзал ва маҳобатли бинолар пойдеворига ғишт қўйилиши мустақил мамлакатимизда гўзал анъанага айланиб қолди. Мана шу ишларнинг бевосита ташаббускори ва яратувчиси — Юртбошимиз Ислом Каримовдир. Бугун бу ҳақиқатни ёлғиз мен эмас, бутун Ўзбекистон халқи, катта-кичик барча юртдошларимиз астойдил ва баралла айтмоқда.

Эгамназар ҚОДИРОВ,
"Эл юрт ҳурмати" ордени соҳиби.

Қисқа сатрларда

Бугуннинг нафаси



● ***Хаузакда газ қазиб олиш бошланди. Кон ишга туширилиши муносабати билан бу ерда тантанали маросим бўлиб ўтди. Унда "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси, Россиянинг "Лукойл" компанияси ва лойиҳада иштирок этаётган бошқа компаниялар раҳбарлари, давлат муассасалари вакиллари, мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.***

Шундай қилиб, Хаузак участкасидан Денгиз кўл — Муборак газ қувурига табиий газ етказиб берила бошлади. Ҳозир конда фақат 5 та қувур ишга туширилган. Мутахассислар тахминича, бу кондан камида 100 млрд. куб метр газ қазиб олиш мумкин.

● Тошкент шаҳри Собир Раҳимов туманидаги Беруний мавзеси, Сирғали туманидаги Алавия мавзеси, Мирзо Улуғбек туманидаги Феруза мавзеси ҳамда Юнусобод туманидаги 9-мавзе ҳудудида "Ипотекабанк" кредитлари ҳисобига уй қуриш учун ер ажратиб берилди. Қурилган уйларни сотиб олиш учун "Ипотекабанк"нинг узоқ муддатли кредитлари ажратилади.

● ***Чилпиққалъа яқинидан тошга айланган дарахт қолдиғи топилди, — деб хабар беради Region Inform ахборот хизмати. — Маълумки, бу кўҳна маскан Қорақалпоғистоннинг Амударё тумани ҳудудида жойлашган бўлиб, зардуштийларнинг қадимги ёдгорлиги ҳисобланади. Ноёб археологик ашёни урганчлик кулол, кимё фани билимдони Султонмурод Абдураҳмонов топган. Мутахассислар тошга айланган дарахт ёшини 65-70 млн. йил деб тахмин қилишмоқда.***

● Жиззах вилоятида Республика "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармасининг мурувват ёрдамларини соғлиқни сақлаш муассасаларига топшириш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда қабул қилиб олинган 33 турдаги озиқ-овқат, дори-дармонларнинг киши саломатлигидаги аҳамияти, улардан қандай фойдаланиш борасида атрофлича тушунча берилди.

● ***Хоразм вилоят ҳокимлигида оммавий ахборот воситалари ходимлари билан учрашув ўтказилди. Журналистларни вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Оллаберган Оллаберганов қабул қилди. Йиғинда ерларнинг мелиоратив ҳолатини такомиллаштириш бўйича белгиланган чора-тадбирлар ва ғўза уруғчилигини яхшилаш борасида савол-жавоб ташкил этилди.***



Вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари Баҳром Олланазаровнинг таъкидлашича, бундай мулоқотлар эндиликда турли мавзуларда доимий ўтказиб турилади. Бу эса аҳолининг ахборотга бўлган эҳтиёжини ўз вақтида қондириш учун муҳим омил бўлиши шубҳасиз.

● Наманган аэропорти жаҳон андозалари даражасида деярли қайта қурилди. Бунга 2 млрд. 100 млн. сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Замонавий аэропорт тақдимотига бағишланган маросимни Наманган шаҳар ҳокими Муҳаммаджон Юсупов очди. Мижозларга қулай шароитларни яратишда жонбозлик кўрсатган бир гуруҳ қурувчилар меҳнати муносиб тақдирланди.

● ***Андижон шаҳрида "Қон тизими касалликлари замонавий ташхиси, даволаниши ва трансфизиологик муаммолари" мавзусида халқаро анжуман бўлиб ўтди. Икки кун давом этган йиғинда мамлакатимизнинг етук мутахассислари билан бирга Россия, Голландия каби хорижий давлатлардан ташриф буюрган олимлар ҳам иштирок этишди.***

— Ўзбекистон Президентининг соҳага оид сўнгги фармони соғлиқни сақлаш, хусусан, қон хавфсизлигини таъминлаш борасидаги ишларни янада жадаллаштириш имконини беради, — дейди голландиялик олим, доктор Кеес Сбинга. — Тошкентда миллий қон маркази ташкил этилган. Самарқанд, Бухоро каби бошқа шаҳарларда ҳам бундай марказларнинг барпо этилаётгани таҳсинга сазовордир.

● Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори Қизилқумнинг энг олис ҳудудларида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Бунинг яққол намунасини Учқудуқ тумани "Алтинтов" ширкат хўжалигида янги қурилган маиший хизмат комплексида ҳам кўриш мумкин. Туман марказидан 65 км. олисда жойлашган овулларда истиқомат қилаётган аҳоли учун бу маиший хизмат маскани Конституция кунига ажойиб совға бўлди.

● ***Дўстлик туманидаги ўсимлик ёғи ишлаб чиқарадиган "Эл-Эрк-Нур" хусусий корхонасига 208,4 млн. сўмлик янги ускуналар ўрнатилди. Натижада ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати ва ҳажми сезиларли даражада ўсди. Қисқа муддатда 170 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Ҳозирда маҳсулот турларини кўпайтириш чоралари кўрилмоқда.***

● "Микрокредитбанк"нинг Оққўрғон туман филиали аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий йилда 4 млрд. 100 млн. сўмлик кредит ажратди. Ёш оилаларга молиявий кўмак бериш учун 207 млн. сўм, шунингдек, тадбиркор аёллар учун эса 130 млн. сўмдан ортиқроқ маблағ берилди.

Зариф КЕЛДИЁРОВ тайёрлади.

Ташкилот ва корхоналар раҳбарлари

ДИҚҚАТИГА!

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ ва «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси, Ўзбекистон Республикаси ва Ҳамдўстлик мамлакатларининг вақтли нашрларига 2008 йил учун обуна мавсуми қизғин паллага кирганлигини маълум қилади.

Вақтли нашрларга обунани расмийлаштириш Ўзбекистон Республикасининг барча алоқа бўлимларида, «Матбуот тарқатувчи» АКнинг обуна қабул қилиш бўлимлари ва компания таркибидаги шўъба корхоналари ҳамда масъулияти чекланган жамиятларда Сиз учун қулай бўлган вақтда амалга оширилади. Нашрларнинг ўз вақтида етказиб берилиши ва мажбуриятларнинг тўлиқ бажарилиши кафолатланади.

Сиз ана шу ҳақда қизиқтирган барча саволлар бўйича қуйидаги телефон рақамларига мурожаат қилишингиз мумкин:
133-08-34, 134-85-99

«Ўзулгуржисавдоинвест» уюшмаси «Андижонгўштсутсавдо» очиқ акциядорлик жамияти ҳудудий улгуржи базаси жамоаси

Ватандошларимизни Бахтимиз Қомуси — Конституциямиз қабул қилинганлигининг 15 йиллиги муносабати билан чин қалбдан қутлайди.

Азиз юртдошлар! Саноқли кунлардан сўнг Конституция кунини кенг нишонлаймиз. Бу кун — ҳар бир юртдошимиз учун шу озод ва обод Ватанда тенг ва ҳур яшашимиз, меҳнат қилишимизга ҳуқуқий кафолат яратилган тарихий санадир. Ана шу шукуҳли байрам билан барча юртдошларимизни муборакбод этишдан бахтиёрмиз!

Миллий ўзликни англаш Қомуси

Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Миллий ўзликни англашда ҳеч кимдан кам бўлмаган эркин ҳаёт барпо этиш учун азму қарор қилганлигимизнинг моҳиятини идрок этиш ҳар биримизга қанот бағишлайди. Аждодларимизнинг инсоният тараққиётига қўшган ҳиссасини мушоҳада этсак, тарих зарварақларида отабоболаримизнинг ўзликни англаш борасидаги хизматларига холис баҳо беришни ҳам тақозо этади. Миллий ўзликни англашнинг ҳақиқатлари мустақилликнинг буюк неъмат эканлигидан дарак беради. Миллий ўзликни англаш, суверенитет ва мустақиллик тушунчалари шу қадар бир-бири билан боғлиқки, бу учликни алоҳида ҳолда тасаввур қилиб бўлмайди.

Миллий ўзликни англаш кенг маънода Ватанни, халқни, миллатни, қолаверса ҳар бир шу юрт фуқароси ҳимоясини таъминлашни ҳам назарда тутади. Миллий ўзликни англаш мамлакатимиз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг ижтимоий бирлигини ҳам қамраб олади. Бунинг фалсафий-ҳуқуқий маъноси инсон, жамият ва давлат манфаатларини олий саодат сифатида ўзида мужассамлаштириши билан изоҳланади. Инсон манфаатларини улуғ неъмат ва олий қадрият сифатида унинг кафолати яратилиши, ижтимоий барқарорликни таъминлашнинг муҳим шартидир.

Ўзбекистон Конституцияси миллий тараққиёт йўлимизни белгиловчи халқчил Қомус сифатида сиёсий соҳада кенг имкониятларни яратиб берди. Айниқса, унда халқ хокимиятчилигининг асослари белгиланганлиги нафақат халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган норма ва қоидаларига мос келибгина қолмай, балки ўзбек давлатчилиги ривожининг анъаналарига ҳамда миллий ҳуқуқий қадриятларимизга айнан мос келади десак, муболаға бўлмайди.



Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови жараёнида бу конституциявий норманинг ҳаётий ифодаси ёрқин намоён бўлмоқда. Сиёсий партиялар ва сайловчиларнинг ташабускор гуруҳи томонидан кўрсатилган ва бугунги кунда белгиланган тартибда рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловчилар билан бўлаётган йиғилиш ва учрашувларда Конституция берган сиёсий-ҳуқуқий жабҳадаги имкониятлар янада шаффоф ҳолда намоён бўлаётганлиги фикримизнинг далилидир.

Энг муҳими, сиёсий соҳадаги ислоҳотлар ҳам демократик умуминсоний принципларга асосланганлиги боис жамият ва давлат ҳаётида фуқаролар иштирокининг муҳим омили бўлмоқда. Бошқача қилиб айтганда, инсон манфаатлари улуғланаётган Ватанимизда давлат ва жамият ишларини бошқаришда фуқароларнинг манфаатдорлиги ошиши баробарида улар учун бундай иштирокнинг конституциявий кафолатлари яратилганлиги ҳал қилувчи ўрин тутмоқда.

Инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият сифатида Конституцияда кафолатланганлиги сабабли фуқароларнинг демократик ҳуқуқ ва эркинликларини амалда рўёбга чиқаришга зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Эътиборли жиҳати шундаки, Конституциямиз нафақат демократик ҳуқуқ ва эркинликларни мустаҳкамлаш ва амалга ошириш, балки уни ҳимоя қилишни ҳам кафолатлайди.

Асосий Қонун иқтисодий соҳада ҳам катта имкониятларни қўлга киритиш имконини беради. Бу энг аввало, жамият иқтисодий негизларининг конституциявий кафолатлари билан чамбарчас боғлиқ. Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган иқтисодиётнинг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этиши назарда тутилганлиги давлат мулки ҳукмронлигига барҳам беришнинг муҳим асоси бўлиб хизмат қилди. Фуқаролар тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари яратилганлиги мулкдор бўлиш ҳуқуқини амалга оширишга ҳар томонлама шароит ва қулайликлар туғдирди. Айниқса, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилиши кафолатланганлиги жамиятда тадбиркорлик руҳини қарор топтиришнинг муҳим омили сифатида намоён бўлмоқда. Бинобарин, хусусий мулкнинг бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимояси таъминланганлиги фуқароларнинг иқтисодий ҳуқуқларини амалга оширишнинг кафолатини яратмоқда.

Бугунги кунда тадбиркорлар, кичик бизнес субъектлари ва фермерлар каби мулкдорлар синфи шаклланаётганлиги ва уларнинг иқтисодиёт ривожига қўшаётган ҳиссаси тобора ортиб бораётганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир. Зеро, давлат томонидан улар ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганлиги конституциявий кафолатларнинг амалда рўёбга чиқаётганлигининг исботидир. Мулкдор бўлиш ҳуқуқининг конституциявий кафолатлари ўтмишдан фарқли ўлароқ, фуқароларни иқтисодий фаолликка ундамоқда. Хусусий мулкка эгалик туйғусининг шаклланаётганлиги иқтисодиёт соҳаларида турли хил ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги тадбиркорлик субъектларини ташкил этиб фаолият юритиш имконини бермоқда.

Тараққиётнинг янги босқичида Конституция нормаларини янада теран мушоҳада этишни, мамлакатни модернизация қилиш, жамиятни янгилаш, иқтисодиётнинг жадал суръатлар билан ўсишига эришишни тақозо этмоқда. Иқтисодий соҳада чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш инвестиция ва солиқ қонунчилигини такомиллаштириш ҳам ўз навбатида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш омилини яратади. Барча моддий ва интеллектуал мулк эгаларининг манфаатларини устун қўйишни, уларни ҳар томонлама рағбатлантирадиган имтиёз ва имкониятлар яратиб берилиши Конституция нормаларини ижтимоий ҳаётда ифода этилишининг муҳим гаровидир.

Юқоридагиларга асосан хулоса қилиш мумкинки, миллий ўзликни англаш ҳар бир шахснинг ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий фаол бўлиши ҳамда уларни юксак маънавиятга эга бўлиш руҳида тарбиялашни ҳам зарурат қилиб қўяди. Шу сабабли, ҳар бир фуқаро Конституция берган имконият ва кафолатлардан оқилона фойдалана олиши, ўз қобилиятларини Ватан ва жамият равнақи йўлида намоён этиши мустақил тараққиёт йўлининг олдимизда турган ҳар бир босқичида янги-янги зафарлар ва ютуқларни қўлга киритиш имконини беради. Шу сабабли Конституция нормаларига қатъий амал қилиниши миллий ўзликни англаш ва мустақиллик ғояларига содиқликнинг ҳам ёрқин намунасидир.

Шуҳрат РЎЗИНАЗАРОВ,
юридик фанлар доктори,
профессор.

Мангу янгра, мадҳиям!

Давоми. Бошланиши 1-бетда.

эътиборлари нечоғли буюк бўлмасин, улар биринчи навбатда халқнинг вакилларидир. Қилган ишлари ҳам фақатгина халқ ҳаёти билан қўшилиб кетажак. Улуғ ўзбек халқи ўз озодлигини ҳимоя қилганда ҳам ёхуд шаҳар қуриб, ариқ чиқарганда ҳам ҳамиша уюшқоқлик ва ҳамжиҳатлик билан ҳаракат қилиб келган. Биргина мисол: Иккинчи жаҳон уруши йилларида Катта Фарғона каналини ўзбек халқи 45 кун ичида кетмон билан қазиган. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Улуғ шаҳарларимиз – Самарқанд, Бухоро, Хива ҳам халқимиз буюк ижодининг тимсолларидир.

III.1. Ўзбек халқи ўзининг бағри кенглиги, серфарзандлиги, болапарварлиги билан машҳурдир. Бу эса халқимизнинг ўчмас ва ўлмас иймон ва эътиқоди билан чамбарчас боғлиқдир. Зеро, исломий эътиқодимиз, мурувват ва шафқатни, эзгулик ва олижанобликни юксак шараф деб ҳисоблайди.

III.2. Аждодлар шавкати билангина фахрланиб яшашнинг ўзи етмайди. Авлодлар юртнинг обрў-эътиборини янада юксак поғоналарга кўтармоқлари шарт. Бунинг учун эса авваломбор озод ва мустақил, эркин бўлишимиз керак эди. Ва биз бунга эришдик. Қушнинг парвози қаноти билан бўлганидек, Ўзбекистоннинг ҳам келажакдаги парвозида авлодлар зўр қанот бўлажак.

III.3. Жаҳонда, маълумки, тоталитар совет тузуми барҳам топгач, истиқлол байроғини, озодлик машъаласини биринчи бўлиб кўтарган Ўзбекистондир. Ўзбекистон ўз ҳудудида ва жойлашган минтақасида ҳамда бутун жаҳонда тинчлик, осойишталик бўлишининг тарафдоридир.

III.4. Ҳақиқатни, ростгўйликни халқимиз ҳамиша ардоқлаган. Шундоқ юртгина мангу обод бўлиб, гуллаб-яшнашга ҳақлидир.

Хабарлар

Касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда таълим олаётган ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг фарзандлари ҳамда ногирон болаларни қўллаб-қувватлаш республика "Меҳр ва мурувват" фондининг Фарғона вилоят бўлими ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармаси билан ҳамкорликда хайрия тадбирини ўтказди.

Эсдалик совғалари топширилди

Ҳудудий бошқарма тасарруфидаги 117 таълим муассасасида 150 нафардан зиёд ногирон болалар ва 550 нафар кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари таълим-тарбия олишмоқда. Уларга изчил моддий-маънавий ёрдам кўрсатиб бориш фонд филиали ва бошқарма раҳбариятининг доимий эътиборида туради. Хусусан, жорий йилнинг ўзидаёқ уларга 6,5 миллион сўмдан кўпроқ моддий ёрдам кўрсатилгани ва 37 нафар ўқувчи имтиёзли стипендия билан таъминлангани бунинг далилидир.

Тадбир иштирокчилари учун ташкил этилган кеча чоғида ҳудудий бошқарма бошлиғи Одилжон Эшонқулов ва фонд филиали директори Сангибой Ҳайдаровлар сўзга чиқишиб, бу ерда ҳозир бўлишган ўқувчи ёшларга Халқаро ногиронлар куни муносабати билан дил сўзларини изҳор қилишди. Уларга соғлиқ-омонлик ва ўқишларига омадлар тилашди. 120 нафар иқтидорли ногирон болаларга қимматбаҳо эсдалик совғалар топширилди.

Саноат ТОЖИБОЕВА,
«Ҳуррият» мухбири.

Яқинда Республика Ёзувчилар уюшмасида Конституциямизнинг 15 йиллигига бағишланган "Ўзбекистон дилбар Ватаним" мавзусида мушоира бўлиб ўтди.

Мушоира давом этади...

Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид мушоирани севимли шоиримиз Абдулла Ориповнинг янги шеъри билан очар экан, бугун шеърият оламига янги нафас олиб кираётган ёш ижодкорларнинг асарларини алоҳида эътироф этди. Она Ватан туйғуси қудратли сўзга айланмоғи кераклиги, мушоира ҳали давом этишини таъкидлади.

Тадбирда иштирок этган Ўзбекистон халқ шоирлари Жуманиёз Жабборов, Маҳмуд Тоиров, Муҳаммад Али ҳамда таниқли ижодкорлар Рустам Мусурмон, Турсун Али, Абдураззоқ Обрў, Фарида Афрўзларнинг янги шеърлари даврага файз бағишлади. Шеър базмида "Олий адабиёт" курси тингловчилари ҳам устозлар ижодидан баҳраманд бўлиб, улар ҳам янги шеърларидан намуналар ўқиб беришди.

Гўзал МАТЁҚУБОВА

Обуна-2008

Биз «Ҳуррият»га қизиқиб қолдик

– дейди Фарғона вилоятидаги Қувасой шаҳар халқ таълими бўлимининг услубчиси Гулбаҳор Ҳожираҳматова. – Бу газетани шу вақтгача ахён-ахёндагина кўриб қолардик. Бироқ, кейинги пайтлар унинг нуфузи кескин кўтарилиб, қўлма-қўл ўқиладиган бўлиб қолгач, бизнинг олис Қувасой тарафларда ҳам бу нашрга бўлган қизиқиш анча ошди. Жумладан, жамоамизнинг ўзидагина 2008 йил учун «Ҳуррият»га бир йўла 55 нафар ўқитувчи ва мураббийлар йиллик обуна бўлишгани фикримизнинг далилидир.

СУРАТДА: *Халқ таълими бўлимининг «Обуна – 2008» штаби бошлиғи Гулбаҳор Ҳожираҳматова муштарийларни жамоатчилик тартибида расмийлаштириш жараёнида.*

Комилжон ТЎХТАСИНОВ олган сурат.

Ўзбекистон Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг моддий ва ахборот кўмагида тайёрланди. Лойиҳа: «Демократик жамият қурилишида аҳолининг фуқаролик позициясини шакллантириш ва фуқароларнинг фаоллигини ошириш масалалари».



2007-yil 5-dekabr | Mustaqil gazeta HURRIYAT O'zingni angla!

Давр фарзандлари

Маҳорат ёш танламайди

11-12 ноябрь кунлари Анталия (Туркия)да футбол бўйича ампутантлар – жисмоний имконияти чекланганлар ўртасида VIII жаҳон чемпионати ўтказилди. Унда иштирок этган мамлакатимиз терма жамоаси аъзолари олтин медаль билан юртимизга қайтишди.

Жаҳоннинг энг кучли ўн икки терма жамоаси куч синашган ушбу мусабоқада чемпионликни қўлга киритиш ҳамюртларимиз учун осон кечмагани аниқ. Негаки, улар таркиби профессионал футболчиларидан иборат Россия терма жамоаси билан юзма-юз келган эдилар.

Ўйиннинг ҳал қилувчи палласи: ҳисоб – 1:1. Энди дарвозага киритиладиган биргина тўп ҳам футбол бўйича ампутантлар ўртасида ўтказилаётган VIII жаҳон чемпионатининг ғолиб жамоасини аниқлаб беради. Яна беш дақиқадан кейин чемпионатнинг энг сўнгги ўйини ниҳоясига етади. Барча томошабинлар ҳар бир ҳаракатни ҳаяжон ва орзиқиш билан кузатаётибди. Ниҳоят, чемпионатнинг энг сўнгги тўпи дарвозада, ҳисоб – 2:1. Эътиборлиси, ҳал қилувчи гол муаллифи нафақат Ўзбекистон терма жамоасининг, балки жаҳон чемпионатининг энг ёш ўйинчиси, эндигина ўн етти ёшни қаршилаган Қудрат Худойқулов эди.

Дарвоқе, Қудрат Худойқулов айни пайтда Тошкент иқтисодиёт коллежининг "Бухгалтерия ва аудит" факультети 2-босқич талабаси. Қудрат билан учрашиш мақсадида у таҳсил олаётган ўқув юртига йўл олдик. Коллеж ҳовлисидаги ўриндиқлардан бирида талабалар билан суҳбатлашиб ўтирган баланд бўйли, қошкўзи қоп-қора йигит эътиборимни тортди.

Футбол ўйинларини диққат билан кузатганим учун дарров танидим. У Қудрат Худойқулов эди. Самимий одам билан суҳбат ҳам енгил бошланар экан.

– Беш ёшимда бир оёғимдан ажралганман, – дейди Қудрат Худойқулов. – Кун бўйи уйимиз олдидаги болалар майдончасида теварак-атрофни томоша қилиб ўтирардим. Кунлардан бир кун қўшнимиз Иброҳим ака ўзининг яқин танишларидан бири футбол бўйича спорт мураббийи эканлигини айтди. Аввал бошда уйдагилар футбол билан шуғулланишимга унчалик ҳам рўйхушлик бе-



ришмади. Аммо мен ўз йўлимни танлаб бўлган эдим. Устозим ва терма жамоамизнинг бош мураббийи Анвар Исмоиловнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши боис футболга бўлган иштиёқим янада ортди. 2000 йилдан буён ампутантлар орасида дунёга машҳур "Байналмилал" футбол клуби аъзосиман. Энди эса ҳаётимни футболсиз тасаввур этолмайман.

Қудрат Худойқулов доимо 7 рақами билан ҳимоячи вазифасида тўп суради. У шу рақамда майдонга тушгандан буён э-ҳе қанчадан-қанча ғалабали онларни бошидан кечирмади. Айниқса, Қудратнинг жамоаси учун бу йил жуда омадли келди. Сентябрь ойида Нижний Новгородда МДҲ кубогини қўлга киритишган бўлса, мана энди жаҳон чемпиони деган номга сазовор бўлишди. Қудрат Худойқулов ва унинг жамоадошлари юртимиз шаънини мана шундай муносиб ҳимоя қилиб келмоқда. У бу билан ҳамиша фахрланиб юради. Табиийки, ёш футболчи шу кунларда ҳам ғалаба нашидасини суриш билан чекланиб қолаётгани йўқ.

— Айни вақтда ҳозирданоқ 2009 йилда Англия пойтахти Лондонда бўлиб ўтадиган IX жаҳон чемпионатига тайёргарликни бошлаб юбордик, — дейди у. — Ўйлайманки, келгуси чемпионатда ҳам омад биз томонда бўлади.

Одатда, чемпион ҳақида гапирар эканмиз, у камол топаётган таълим масканига ҳам тўхталамиз. Чунки шахснинг шаклланишида оила билан бирга ўқув муассасасининг ҳам ўрни беқиёс.

– Қудрат коллежимизга ўқишга келган илк дамлариданоқ нафақат дарсларни ўзлаштириш, балки, бошқа маданий-маърифий ва спорт тадбирларида ҳам ўзини кўрсата бошлади, – дейди коллеж директори Ҳаёт Муҳитдинов. – Унинг эришган ютуқлари сабаб бошқа талабаларимизда ҳам фойдали машғулотлар, хусусан, турли спорт тўгаракларига қатнаш иштиёқи янада ортди. Биз ўқитувчилар эса улар орасидан яна Қудрат Худойқуловдек спортчилар етишиб чиқиши учун шарт-шароитлар яратиб беришга ҳаракат қилмоқдамиз.

Наргиза ТОҲИРОВА,
журналист.

Мулоҳаза

Эсимда, кичкинагина қизалоқлигимда бобомнинг эски ховлисида қишлоқнинг қиз-жувонлари йиғилишиб араби гилам тўқишар эди. Узоқ қиш кечаларнинг бирида тўқилган ойпарча нақшли гилам айниқса эсимда қолган...

Ҳунарли хор бўлмас

Юлдузлар ёғду сочган фалак тоқида мисқолгина жозибаси билан бутун оқшом гўзаллигини яратган уч кунлик ҳилол тасвири гиламга шундай маҳорат билан туширилган эдики, бир қарашда бу нақшлар «Ҳаким» сўзининг ифодаси эканлигини илғаб бўлмасди. Араби гилам нақшидаги бу сўз Гулчеҳра опамнинг Ҳаким аканинг совчиларига ризолиги, Шарқ аёлининг назокати ва дил изҳори эди.

Яқин ўн-ўн беш йилларгача ҳам бизнинг Қашқадарё томонларда Шарқ ҳунармандчилигининг кўҳна намунаси бўлмиш араби гилам тўқиш истеъмолдаги касб эди. Момомнинг айтишларича, катта онамиз олти фарзанди билан эридан бевақт бева қолгач, рўзғорнинг "қора қозон"ини араби гилам тўқиб қайнатган эканлар.

– Аммо ҳунар ўрганиб кам бўлмадик, олтовимиз ҳам ўқидик, уйли-жойли бўлдик, – дейди момом кенг енглари билан кўз ёшларини артиб.

Момомнинг гапларидан сўнг мулоҳаза қиламан – тирикчилик илинжида бозорда қоп елкалаб юрган бозорчи хотинлар, мардикорликка ёлланаётган, хорижга иш излаб кетаётган хотин-қизлар осон ва мўмай даромад ишқибозлари эмасмиканлар, ахир момоларимиз не қора кунларда ҳам гилам тўқиб, дўппи тикиб рўзғор тебратганликлари ҳақиқат-ку!

Ҳа, албатта, араби гилам тўқишнинг меҳнати осон эмас, бунда кишининг чеварлиги, санъаткорона диди, шакл олишдаги геометрик қарашлари ва иродаси уйғунлашади. Қанча меҳнат ва заҳмат эвазига тўқилган гиламни бозорга олиб чиқса, харидор топилармикан?

Овропача услубда қурилган уйларимизга араби гиламни арзитармиканмиз?

Кузатганларимдан хулоса шуки, бу гиламлар "қишлоқи"лик ва одмилик сифати бўлиб қолгандек, гўё.

Бинобарин, айни кунларда ойнаи жаҳонда намойиш этилаётган турк киноижодкорлари томонидан суратга олинган "Аччиқ ёлғон" сериалида ҳам намойиш этилишича, ҳатто уларда ҳам ҳамон араби гиламлардан фойдаланишар экан.

Сериаллар борасида, уларнинг мазмун-моҳияти хусусида кимдир ижобий, кимдир эса салбий фикрда, бироқ ҳозир гап қадимий Шарқ ҳунармандчилигини ҳанузгача давом эттириб келаётган ва бу қадриятни ўз уйида асраб-авайлаётган турк хонимларининг диди хусусида. Ҳа, бежизга юртимизнинг кўплаб гўшаларида, айниқса, қишлоқларида халқимиз қўлда тўқилган гиламларни ҳануз эъзозлаб фойдаланишмайди.

Энди ўзингиз айтинг, хорижда бир ишнинг бошини тутолмай сарсон-саргардон бўлиб юрган хотинларнинг ҳою-ҳаваси қайда-ю, ўз уйида ҳунар билан рўзғорини бут қилиб, бахтли яшаётган аёлларимиз қайда?! Қолаверса, бугун юртимизда ҳунармандчилик, касаначилик билан шуғулланаман деган хотин-қизларга ҳукуматимиз томонидан қанчадан-қанча имтиёз ва имкониятлар яратилган. Зеро, ҳаётда кўп синовлардан омон ўтган бир ҳақиқат ҳам бор: "Ҳунарли хор бўлмас".

Дилфуза Бону АВАЗОВА,
«Ҳуррият» мухбири.

Бухоро вилояти ИИБ Қўриқлаш бошқармаси жамоаси

юртимиз аҳлини яқинлашиб келаётган қутлуғ сана — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 15 йиллиги билан самимий муборакбод этади.

Бош Қомусимиз демократик тараққиёт ва тинчлик, хотиржамлик гаровидир.

Осмонимиз ҳамиша мусаффо, хонадонларимиз тинч-осойишта бўлсин!

Огоҳлик

Хавфсизлигимиз ўзимизга боғлиқ

2007 йил 14 июль куни Самарқанд шаҳри Сулаймонова кўчаси 6-уйда носоз баллондан сизиб чиққан газ плитадаги аланга билан туташиб, чақнаш содир бўлган. Оқибатда 15 нафар фуқаро қаттиқ куйиш тан жароҳати олган ва 11 нафари вафот этган.

2007 йил 17 сентябрь куни Тошкент шаҳри Миробод тумани Чехов кўчаси 40-уйда жойлашган "Седе-Рома" ресторанида назоратсиз қолдирилган маиший газ плитасининг алангаси ўчиб қолган, табиий газ хонага сизиб чиқиб, газ ва ҳаво аралашмасининг чақнаши содир бўлган. Натижада 3 нафар фуқаро турли даражада куйиш тан жароҳати олганлар.

Бу каби нохуш мисолларни яна давом эттириш мумкин. Лекин газ хавфли ёқилғи, ундан фойдаланмаслик керак деб хулоса чиқара олмаймиз. Чунки бугун ҳаётимизда газ ёқилғиси муҳим ўринда туради. Шу боис хавфсизлик қоидалари асосида фойдаланишга эътиборни кучайтириш ҳар бир кишидан талаб этилади. Кейинги пайтда бу масалага давлат аҳамиятига молик вазифа сифатида қаралаётганлиги ҳам бежиз эмас. Жумладан, Президентимизнинг "Республика иқтисодиёти тармоқларини 2007-2008 йил куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қароридан кўзланган асосий мақсад ҳам аҳоли турар жойларида фуқароларнинг тинч ва осойишта яшашлари учун барча чораларни кўриш, ёнғиннинг олдини олиш ва иқтисодий тармоқлар хавфсизлигини таъминлашдан иборат. Шунга кўра Республика Ички ишлар, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, "Ўзэнерго" ДАК ва "Ўзтрансгаз" АКлари томонидан махсус ташкилий ва амалий иш режаси ишлаб чиқилиб, жойларга юборилди. Мазкур режа асосида амалга оширилган ишларни ўз вақтида умумлаштириш ва таҳлил қилиш мақсадида Миробод тумани ИИБ ЁХБда ҳам тезкор штаб ва унинг ишчи гуруҳлари тузилди, туманда жойлашган ҳар бир маҳаллага ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари бириктирилди, тадбирга профилактика инспекторлари, газ ва электр идоралари ходимлари, бошқа тегишли ташкилотлар, муассасалар вакиллари жалб этилди.

Болаларни ёнғин офатларидан муҳофаза этиш ҳар бир оила, маҳалла, корхона ва ташкилотнинг кундалик вазифаси бўлиб қолмоғи, бу йўлда бор куч ва имкониятлар ишга солинмоғи керак. Шунинг учун тумандаги ўқув ва тарбия муассасаларида текширишлар ўтказилиб, айрим биноларда аниқланган камчиликларни тузатиш чоралари кўрилди.

Юқорида келтириб ўтилган ишларнинг давоми сифатида Миробод тумани ҳудудида жойлашган 97 та газ тақсимлаш пункти, 411 та трансформатор подстанцияси текшириб чиқилди. Шунингдек, туман аҳолисига газ ёқилғисидан фойдаланишдаги ноқонуний ҳолатлар оқибатларини тушунтириш мақсадида учрашув ва суҳбатлар ўтказилмоқда.

Нохуш ҳолатларга чек қўйиш ва аҳоли турар жойларида содир бўлиши мумкин бўлган ёнғинларнинг олдини олиш учун газ ёқилғисидан эҳтиёткорлик ва хавфсизлик қоидаларига риоя қилган ҳолда фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўларди. Зеро, оиламиз хавфсизлиги ўз қўлимиздадир.

Тошкент шаҳри Миробод тумани Ички ишлар бошқармаси Ёнғин хавфсизлиги бўлими.

Фарғона вилояти Қува «Деҳқон бозори» ҳиссадорлик жамияти жамоаси

озод ва обод Ўзбекистон фуқароларини 8 декабрь — Бош Қомусимиз қабул қилинган қутлуғ кун билан қутлайди.

Ҳуқуқий демократик давлат, одил фуқаролик жамияти бунёд этиш йўлида дадил одимлаётган юртимиз гуллаб-яшнайверсин. Омад ва хуш кайфият, бахту саодат барчамизга насиб этсин!

Таассуф

Гиёҳванд моддалар қабул қилиниши инсон саломатлигига раҳна солиб, турли хил асаб касалликларининг келиб чиқиши, ногирон болалар туғилиши, оилалар барбод бўлиши оқибатида фарзандларнинг етим қолишига олиб келади. Бунинг натижасида эса, нафақат оилалар, балки бутун жамият ижтимоий ва иқтисодий зарар кўради. Дунё мутахассис шифокорларининг таъкидлашларича, болаларнинг ақлий ва жисмоний нуқсон билан туғилишига энг аввало алкоголь ичимликлар ва гиёҳванд моддалар сабаб бўлаётган экан.

Ҳалокатга етакловчи йўл

ёки гиёҳвандлик ва унинг аянчли оқибатлари хусусида



Сўнгги йиллар мобайнида инсоният жиноятчилик, қуролли тўқнашувлар, экологик муаммолар, турли хавфли касалликлар билан бир қаторда гиёҳвандлик балосидан ҳам азият чекмоқда. Инсонга оний лаззат, вақтинча енгил кайфият, сохта тасаввурлар бағишловчи моддалар организмга шу даражада зарар етказадики, натижада одамнинг жисмоний ва ақлий фаолияти тиклаб бўлмас даражада шикастланади. Аянчлиси, у ўлимга олиб келади. Тиббиётчиларнинг фикрига кўра, гиёҳванд моддалар ўпка раки, жинсий заифлик ва руҳий хасталикларни юзага келтиради.

Гиёҳванд моддаларга, хусусан, героин, какоинга ўрганиб қолган киши уни ўз вақтида қабул қилмаса, оғуга ўта кучли эҳтиёж сезади. Шу модда дозасини қабул қилгач эса, ўзини гўё "осмоннинг еттинчи қавати"да сезади. Танада сархушлик, роҳатланиш ҳиссини туяди. Аслида эса лаҳзалик роҳат дея инсон ўз ихтиёри билан ҳалокат томон қадам қўйган бўлади. Борди-ю, гиёҳвандлик моддалари хумори тутиб, хуруж қилиб қолса, у ҳолда гиёҳванд кимса унга эришиш мақсадида ҳар қандай жиноята разилликлардан ҳам тап тортмайди. Зотан, бутун дунё осойишталигига раҳна солаётган терроризмнинг таг замирида ҳам наркобизнес ётибди десак, муболаға бўлмайди.

Хавотирлиси, гиёҳвандликка асосан ёшлар, баъзан ҳатто аёллар ҳам кириб келмоқдалар. Ёшлар кўпинча ён-атрофидаги улфатларга тақлид қилиб гиёҳванд моддалар истеъмолига ружу қўймоқдалар. Бу эса ўз навбатида ота-оналарнинг фарзандларини назорат қилмаслиги, ёшларнинг дискотекаю, тунги клубларда саёқ юришларидан бошланади. Ёшлар табиатига хос хусусият шуки, улар ҳамма нарсага қизиқиш билан қарайдилар. Кўрган ва эшитганларини ўзларида ҳам синаб кўришга ҳаракат қиладилар. Жумладан, айримлар кўкнори ичиб, турли кимёвий моддаларни ҳидлаб, наша чекиб кайф қила бошлайдилар. Ана шу бошланғич босқичда бебош ёшлар назоратга олинмаса, қаровсиз қолдирилса, қарабсизки, улар туппа-тузук гиёҳвандга айланади-қолади. Жамият учун энг хавфли томони, ёш-яланг, ўсмирлар тўпланадиган дискотека залларида гиёҳванд моддалар савдоси билан шуғулланувчилар ҳам учраб туради. Ана шу хусусида мутахассиснинг фикр-мулоҳазасини олдик.

Гулнора БОТИРАЛИЕВА,
Тошкент вилояти Янгийўл тумани марказий поликлиникаси қошидаги наркология хонаси 1-тоифали врач-наркологи:

– Гиёҳвандлик иллатининг авж олиши, айниқса, унинг ёшлар ва хотин-қизлар орасида учраши бевосита миллат генофондига салбий таъсир кўрсатади. Гиёҳванд моддаларни ҳатто энг кам миқдорда истеъмол қилувчи ота-оналардан майиб-мажруҳ, янада ачинарлиси, ақли заиф фарзандлар туғилиши кузатилади.

Айни дамда биргина Янгийўл тумани Гулбаҳор қўрғонида жойлашган туман марказий поликлиникаси қошидаги наркология хонасида 39 нафар гиёҳванд рўйхатга олинган. Кишини изтиробга соладиган жиҳати шундаки, ана шу рўйхатга олинганларнинг 4 нафарини аёллар ташкил этади.

Рўйхатда турувчи гиёҳвандларнинг оила аъзолари шаъни ҳамда уларнинг фарзандлари келажагини ўйлаб улар билан аноним тарзда профилактика ишлари олиб борилади. Улар Тошкент вилоятининг Ангрен шаҳрида жойлашган махсус наркология диспансерига мажбурий даволаниш учун юборилади.

Тўлқин САИДОВ (исмлар ўзгартирилди):

– Ёшим қирқни қоралаб қолди. Оилам, икки нафар фарзандим бор. Турмуш ўртоғим олий маълумотли. Яхшигина касб эгаси эди. Менинг гиёҳвандлик ботқоғига ботишим боис у ўзи севган касбидан воз кечиб рўзғор тебратиш, мени даволатиш билан овора.

Ўзим ҳам ҳайдовчи эдим. Аммо қайта-қайта хумор тутиши, "дори"га пул керак бўлганлиги боис "Дамас" автомашинамни сотишга мажбур бўлдим. Аввал-бошда машинамни сотганимни яқинларимдан яширдим. Хабардор бўлишгач эса, сен ўз фарзандларинг ризқига хиёнат қилдинг, дея тергашди. Ҳозир даволаняпман. Насиб қилса ижарага бўлса ҳам машина олиб рўзғор учун жон куйдираман.

Абдулла ТОЖИЕВ:

– Оиламиз бошига мусибат тушди. Эндигина 23 ёшни қаршилаган фарзандимиз Тўлқин вафот этди. Шифокорларнинг таъкидлашларича, у гиёҳванд моддасини ўта кўп миқдорда қабул қилганлиги боис жон таслим қилибди. Фарзандим охирги пайтларда уйдан чиқиб кетиб биз билан яшамай қўйганди. Аммо ўлимидан бир неча кун аввал уйга келиб, энди гиёҳвандлик йўлидан қайтишини, уйланиб оила қургач биз билан бирга яшашини айтганди. Унинг ўлимини эшитибоқ олдига етиб бордим. Шўрлик болам бир аҳволда қотиб қолганди. Ҳар иккала қўлининг билаклари шприцдан илма-тешик бўлиб кетибди.

Аслида Тўлқиннинг шу қўйга тушишида ўзимиз ҳам айбдормиз. Уни ёлғиз ўғил, наслимиз давомчиси, деб еру кўкка ишонмасдик. Эсиз, у ҳатто ўзидан зурриёд қолдиришга ҳам улгурмади...

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотига кўра, Ер юзида бугунги кунда 200 миллионга яқин киши гиёҳванд моддаларини нотабиий истеъмол қилмоқда. Биргина Афғонистонда ишлаб чиқарилган героин моддасини 13,5 миллиондан ортиқ киши қабул қилар экан. Гиёҳвандлик дардига мубтало бўлганларнинг анчагина қисми ОИТС дардига мубтало бўлган.

Бир неча йил бурун Янгийўл туманида гиёҳвандлик оқибатида содир этилган жиноятдан хабар топган ҳар қандай тош юрак ҳам ларзага келади. Туманнинг Қовунчи қишлоғида яшовчи гиёҳванд гумроҳ фарзанд 9 ой юраги тубида кўтариб юриб дунёга келтирган ўз онасини оний лаззат таъсирида ўтиндай саржинлаб чопиб ташлайди. Бу ҳам етмагандай жиноятини яшириш мақсадида бўлакларга бўлинган она жасадини ҳовлининг ўзига тахлаб устидан бетон қуйиб юборди. Орадан бир қанча вақт ўтгач, милиция ходимлари бетонни темир аслаҳалар билан кўчиришганда жасаддан фақат суяклару бир тутамгина соч қолганди, холос.

Кўриб турганингиздай жиноят, гиёҳвандлик миллат танламайди. Бу иллатлар домига тушган ҳар қандай одам қисмати аянчли якун топади. Шундай экан, барчамиз яқин кишиларимизни, айниқса, фарзандларимизни аср вабоси дея аталаётган гиёҳвандлик балосидан асраб қолайлик.

Наргиза ПИРНАЗАРОВА,
«Ҳуррият» мухбири.



Курд жангариларига қарши ҳужум

Туркия армиясига қарашли бўлинма Курдистон ишчилар партиясининг жангарилар гуруҳига қарши ҳарбий операция амалга оширган. Туркия армияси вакилининг маълум қилишича, отишмалар чоғида рақиб томонининг 50 нафар жангчиси ҳалок бўлган.



Расмий баёнотда ҳужум пайтида турк ҳарбийлари Ироқ чегарасига дахл қилмагани айтилган.

Хабарингиз бор, жорий йилнинг октябрида Туркия парламенти мамлакат армиясига Ироқ ҳудудидан бошпана топган курд жангариларига қарши амалиётлар ўтказишга ижозат берган эди. Ироқ ва АҚШ томони эса Туркияни ҳарбий амалиётларни ўтказмасликка чақирганди.

Шунга қарамай Туркия ҳукумати томонидан курд исёнчиларига қарши жанговар зарбаларни бошлашга буйруқ берилди. Бу ҳақда оммавий ахборот воситаларига маълумот берган бош вазир Режеп Тайип Эрдоган ушбу қарор ҳукумат йиғинида бир овоздан маъқулланганини айтган.

Туркия ҳукумати вакилининг сўзларига кўра, Ироқ шимолида 3 мингга яқин курд жангарилари паноҳ топган ва улар доимий қўпорувчилик билан шуғулланмоқда.

Испанияда оммавий норозилик

Испаниянинг Каталония вилоятида кўп минг сонли аҳоли темир йўл тизимидаги тартибсизликни бартараф этиш талаб қилиб оммавий норозилик уюштирган.

Маҳаллий полиция намойишларда 200 мингга яқин одам иштирок этганини маълум қилган. Акция ташкилотчиси бўлган ташкилотлар эса норозилик чиқишида 700 минг киши ҳозир бўлганини билдирган.

Каталония вилояти Испания таркибидаги мухтор ҳудудлардан бири саналади. Шу сабабли барча ишлаб чиқариш соҳалари каби темир йўллар ҳам Мадриддаги марказий идоралар томонидан бошқарилади. Каталония маъмурий маркази Барселона шаҳри кўчаларини тўлдирган намойишчилар темир йўл бошқаруви вилоят раҳбариятига ўтказилишини талаб қилишган. Бундан ташқари, намойишчилар сармоя миқдорини ошириш, ҳудуднинг инфраструктурасини яхшилаш ва молиявий маблағлар ҳисоботини сўрашган. Норозилик акциясида Каталониянинг етакчи сиёсатчилари, таниқли маданият ва спорт намояндалари иштирок этган.

Намойишлар Мадрид ва Барселона шаҳарлари ўртасида қирқ икки кунлик танаффусдан кейин поезд қатнови йўлга қўйилган пайтга тўғри келди. Қурилиш ишлари олиб борилаётгани туфайли Каталониянинг бир қанча темир йўл йўналишлари вақтинча ёпиб қўйилган эди.

Мексикада вулқон "уйғонди"

Мексикадаги Попокатепетль вулқони отилиши оқибатида кул ва чанг-тўзон 3000 метр баландликка кўтарилган ҳамда бутун атрофни қамраб олди.



Охирги ўттиз йил ичида ушбу вулқоннинг декабрь ойида фаоллашиши кузатилянти. Мамлакат ҳукуматининг маълум қилишича, вулқон жойлашган ҳудудда истиқомат қилаётган аҳоли учун хавф-хатар мавжуд эмас.

Попокатепетль вулқон мамлакат пойтахти Мехико шаҳридан 55 км узоқликда жойлашган. Унинг баландлиги 5452 метрни ташкил этади.

ХАЛҚАРО ВОҚЕАЛАР

GLOBUS

INTERNATIONAL LIFE

Шанхайлик миллионер 16 йилга "кесилди"

Шанхайлик миллионер Чжоу Чжэни порахўрлик ва солиқ ҳужжатларини сохталаштириш айби билан 16 йилга озодликдан маҳрум этилди. Хитойнинг энг бой кишилари рўйхатида ўн биринчи ўринда қайд этилган шахс ўз бойлигинин асосан кўчмас мулк олди-сотдиси орқали тўплаган.

Шанхай суди Чжоу Чжэнига қарашли компанияга 3,35 миллион юан (454 минг АҚШ доллари) миқдорида жарима ҳам солган.

320 миллион АҚШ долларига эга бўлган магнат 2006 йилнинг октябрида юқори лавозимдаги раҳбарлик билан боғлиқ жиноят иши бўйича ҳибсга олинган эди. Ўшанда Хитой раҳбари Ху Цзиньтаонинг буйруғи билан ҳукуматнинг бир қанча мансабдорлари ҳам ишдан бўшатилган эди.

Чжоу бунга қадар ҳам фирибгарликда айбланиб уч йил қамоқ жазосини ўтаган эди.

Дараклар

Шахта ёпиладиган бўлди

Украина ҳукумат комиссияси Засядько номидаги шахтани ёпиш тўғрисида қарор чиқарди. Сўнгги икки ҳафта ичида ушбу ҳудудда икки марта портлаш рўй берганди.

Ҳалокатнинг сабабларини аниқлаш бўйича давлат комиссияси раҳбари Андрей Клюев шахтанинг ёпилиши муносабати билан ишчи ўрни қисқаришини маълум қилган. Расмий вакил қисқартириш борасида аниқ рақамлар айтмаган бўлса-да, шахтада меҳнат қилган кончиларга бошқа иш топиб берилишини қайд этган.

Комиссия Засядько номидаги шахта негизида кўмирни хавфсиз ҳолатда қазиб олишни ўрганувчи илмий марказ ташкил этишни режалаштирган. Бунинг учун давлат бюджетидан 2,5 миллиард гривна ажратилади.

Эслатиб ўтамиз, охирги икки ҳафтада Засядько номидаги шахтада икки марта портлаш рўй берди. Биргина сўнгги портлаш пайтида 54 нафар кончи оғир жароҳатланган. Уларнинг аксарияти шифохонада даволанмоқда. Шахтанинг сўнгги ўн йиллик тарихида эса бу олтинчи портлашдир. Ушбу ҳодиса юзасидан Донецк вилояти прокуратураси жиноий иш очган.

Уяли алоқа мижозлари 3,3 миллиардга етди

Сайёрамиз миқёсида 3,3 миллиард киши уяли алоқа воситасидан фойдаланмоқда, деб хабар беради Informa Telecoms & Media тадқиқот компанияси. Айни пайтда Ер юзаси аҳолиси сони 6,6 миллиардга етди. Шундан келиб чиқиб, айни пайтда дунё аҳолисининг ярми уяли алоқадан фойдаланиш имконига эга дейиш мумкин.

Лекин тадқиқотчилар келтирилган рақам дунёнинг ҳар икки аҳолисидан бири уяли алоқа воситасига эга эканини англатмаслигини билдирганлар. Чунки айрим ривожланган давлатларда биргина фуқарога бир нечта телефон воситаси тўғри келиши кузатилган.

Энг қизиғи, уяли алоқа мижозлари сонининг кескин ошиши камбағал давлатларга тўғри келган. Бу ҳолатни уяли алоқа воситалари компанияларнинг ўта арзон нархда телефонларни ишлаб чиқараётгани билан изоҳлаш мумкин.

2007 йилнинг сентябрь ҳолатига кўра дунёнинг 224 мамлакатида уяли алоқа хизмати йўлга қўйилган. Бундан йигирма йилча олдин эса дунёнинг 35 мамлакатида мазкур алоқа хизмати мавжуд бўлган.

Informa Telecoms & Media компанияси мижозларнинг ўртача ойлик харажатларини ҳам ҳисоблаб чиққан. Бу борада энг юқори кўрсаткич Кувайтнинг Zain компаниясида кузатилган. Ушбу компания абонентлари ойига ўртача 71 АҚШ доллари сарфлашар экан. Иккинчи ва учинчи ўринларда эса Қатарнинг Q-Tel (69 доллар) ва Японияннинг KDDI компаниялари (67,65 доллар) қайд этилган.

200 минг долларлик нота



Лондон шаҳрида машҳур бастакор Вольфганг Амадей Моцарт томонидан ёзилган ноталар сотувга қўйилди. Оркестр жўрлигида скрипка орқали ижро этиш учун мўлжалланган мусиқа асари 1779 йили яратилган. Ўша пайтда Моцарт 23 ёшда бўлган.

Бир асрдан ошиқроқ тарихга эга бўлган ушбу саҳифа Британиядаги хусусий коллекциялардан бирида сақланган. Sotheby's савдо уйига қўйилган ноталар тахминан 100 минг фунт стерлинг (200 минг АҚШ долларидан ошиқроқ)га сотилиши мумкин.

Шарҳ

Яқин Шарқ: тинчлик йўли нақадар узоқ

Ярим асрдан зиёдроқ вақт давомида Исроил —Фаластин муаммоси ўнлаб халқаро анжуманларда муҳокама қилинди, бунга бағишланган қатор учрашувлар ташкил этилди. Сайёрамизнинг энг оловли нуқтаси бўлиб қолган ҳудудда тинчлик ўрнатиш учун дунё сиёсатининг номи чиққан арбоблари, казоказо амалдорлари ҳаракат қилиб кўришди. Лекин барча уринишлар бесамар бўлиб чиқаверди. Дунё аҳли Фаластин-Исроил можаросига кўникиб қолган ва кўп-да эътибор қаратмай қўйган бир даврда Американинг Аннаполис шаҳрида ўтган ҳафта ушбу муаммога бағишланган халқаро анжуман ташкил этилди.

Тўғри, халқаро машваратда мустақил Фаластин давлатининг чегараси, қочоқлар тақдири, Қуддус шаҳрининг мақоми каби муҳим масалаларга тўла аниқлик киритилмади. Лекин барибир қирқдан ошиқ давлат вакиллари иштирокида уюштирилган саммит тинчлик орзусида яшаётган ҳудуд аҳолиси кўнглида умид чироғини ёққандай бўлди.

Аннаполис анжуманининг муҳим муваффақиятларидан бири шундаки, кўпдан буён юз кўрмас бўлиб юрган Фаластин ва Исроил раҳбарлари яна бир маротаба тинчлик масаласида ўзаро фикрлашиш имконига эга бўлишди. Шу боис, бир-бирига душманчилик кайфиятида юрган томонларнинг дипломатия юзасидан бўлса-да мулоқотга киришгани эътиборга лойиқ ҳодиса ўлароқ қабул қилинди.

Саммит якунида Фаластин раҳбари Маҳмуд Аббос ҳамда Исроил бош вазири Эҳуд Ольмерт томонидан берилган қўшма баёнотда ҳудудда тинчликни ўрнатиш йўлидаги ҳаракат яна қайта бошлангани эълон қилинди. Келишувга кўра, икки томондан ҳам махсус музокара гуруҳлари тузилади. Гуруҳлар ҳар ойда икки маротаба мавжуд зиддият ва келишмовчиликларни ҳал этиш юзасидан учрашувлар ўтказади. Анжуман доирасида қабул қилинган ўзига хос сулҳ битимида томонлар тинчлик бўйича амалий тадбирларни 2008 йилнинг сўнггигача тугатиши белгиланган.

Исроилнинг давлат сифатида мавжуд бўлишига кескин қаршилик кўрсатиб келаётган Сурия ҳукумати ҳамда қўшни Саудия Арабистони подшоҳлиги ҳам бу галги саммитда ўз вакили билан иштирок этди. Минтақада ўз ўрнига эга бўлган икки мамлакатнинг тинчлик музокараларига қўшилиши ушбу учрашувнинг ижобий самараларидан бири дейиш мумкин.

Дарвоқе, Аннаполис йиғинида минтақа давлатларидан Эрон иштирок этмаган. Расмий Теҳрон ҳозирга қадар яҳудий давлати масаласида муросасизлик позицияси билан тилга тушган. Ушбу сиёсатга содиқ қолган президент Маҳмуд Аҳмажинажод Исроил-Фаластин муаммосига бағишланган анжуман ҳеч қандай амалий самара бермаслигини таъкидлаган.

Учрашув чоғида аллақачон унутилиб кетаёзган йўл харитаси режаси ҳам эсга олинди. Араб-Исроил ихтилофини бартараф этишга қаратилган режани амалга ошириш учун назорат гуруҳи тузиш зарурлиги таъкидланди. Йўл харитаси режаси 2003 йили Яқин Шарқ муаммосини ҳал этиш бўйича тўртлик – Россия, АҚШ, Европа Иттифоқи ҳамда БМТ томонидан ишлаб чиқилган эди. Ушбу режада Фаластин ва Исроил томони муроса ва келишув асосида зиддиятларни босқичма-босқич бартараф этиши кўзда тутилган. Лекин шу пайтга қадар қабул қилиниб, ижросиз қолган ҳужжатлар каби ушбу режа ҳам амалга ошмади. Йўл харитаси режасига кўра 2005 йилга қадар барча зиддиятлар ҳал этилиб, Фаластин давлати ташкил топмоғи керак эди...

2000 йили яна ўша Кэмп-Дэвид қароргоҳида Фаластин-Исроил раҳбарлари (Ёсир Арафот ва Ёҳуд Барак) ўзаро тил топишишга уриниб кўришди. Томонлар маълум келишувга эришгандай бўлиб турган бир пайтда қуролли тўқнашувларнинг авж олиши барча музокараларни пучга чиқарди. Бу орада Исроил ҳукумат тепасига келган Ариэль Шарон халқаро ҳамжамиятнинг қаршилигига ҳам қарамасдан Иордан дарёсининг Ғарбий қирғоғида 640 км.лик мудофаа девори қуришга киришди. Шу тариқа Исроил-Фаластин муносабатлари яна боши берк кўчага кириб қолди. Ҳар икки томон раҳбарларининг аччиқни аччиқ кесар қабилида юритган сиёсати оқибатида тинчлик йўлидаги барча битим ва шартномалар ҳам бекор бўлди.

Очиғини айтганда, ўтган ҳафта қабул қилинган баёнотлар ҳали муаммонинг ечилганидан далолат бермайди. Бир томондан, битимларни бугун қабул қилиб, эртага бузишга одатланган давлат бугал ҳам эски сиёсатини давом эттирмаслигига ҳеч ким кафолат бермайди. Иккинчи томондан, Фаластин томони ҳам музокараларда тилга олинган шартларни тўла бажара олмаслиги мумкин. Нега деганда, айни пайтда мўъжазгина Фаластин ҳудудида қўшҳокимиятчилик ҳукм суряпти. Фаластин раҳбари деб юритилаётган Маҳмуд Аббос фақатгина Иордан дарёсининг Ғарбий қирғоғини идора этяпти. Фаластиннинг асосий ҳудуди Ғазо сектори эса мухторият ҳудудидаги яна бир етакчи сиёсий гуруҳ ХАМАС назоратида. Бугун Ғазо ўзининг алоҳида ҳукумати, армияси ва бошқарув идораларига эга. Аннаполисдаги йиғинда иштирок этмаган ХАМАС ташкилоти раҳбари Исмоил Хония аввал-бошданоқ ў ерда қабул қилинган қарорларни тан олмаслигини билдирган. Фаластиннинг ўзида парокандалик ва гуруҳбозлик ҳукм сураётган шароитда эса кўзда тутилган вазифаларни амалга ошириш амри маҳол.

Собиржон ЁҚУБОВ

2007-yil 5-dekabr | Mustaqil gazeta HURRIYAT Ozingni angla!

Орамиздаги одамлар

Китобларини автомашинага алмаштирмади

Усмон ака бизнинг маҳалладошимиз. Ховос тумани маркази – Ховос шаҳарчасида «Чаманзор» маҳалласининг «тўқмоғи» десангиз, иккининг бири «Усмон акани йўқлаяпсизми?» дейиши табиий. Бу лақаб Усмон аканинг ўрни келса, «отасини ҳам аямас»лиги, дўстидан ҳам ҳақиқатни кўпроқ эъзозлашига ишора эканлиги аниқ.

Доноларнинг айтишича, ҳар қандай инсоннинг энг азиз дўсти – китоб. Усмон ака, билмадим, болалигида бу эътирофни англаганми-йўқми, бошланғич синфларда ўқиган кезлари Майн Риднинг «Бошсиз чавандоз»и уни илк бор ана шу «дўстлар давраси»га етаклаган эди. Ўсмирлик давридаёқ Александр Державин таржимаси воситачилигида Умар Хайём билан ошно тутинди. Бу китоб шу пайтгача унинг онгига сингган «Инсон умри нима?» деган саволга жавоб бўла оладиган тушунча, одам ўз ҳаёти давомида нималарга қодир эканлиги ҳақидаги тасаввурларини чилпарчин қилиб юборди. «Жизнь замечательных людей» сериасидаги китобни ўқиб, Умар Хайёмни илк бор кашф этгандек бўлди.

Инсон умри оқар сувдек югурик экан. Усмон ака ҳаётнинг аччиқ-чучугини анчагина таътиб кўришга улгурди, нотекис йўлларнинг олтмишинчи бекатига етди.

— Инсоннинг умри улғайгани сари ўқийдиган китобларингиз ҳам турмуш ташвишлари билан боғлиқ тарзда беихтиёр ўзгариб бораверарканг, – дейди Усмон ака. – Кейинги йилларда тиббиётга оид, хусусан, халқ табобатига доир китобларни кўпроқ мутолаа қилдим. Мустақиллигимизнинг илк кунлариданоқ шиддатли кечган ижтимоий-иқтисодий ҳаётимиздаги янгиликлар иқтисодга доир адабиётларга беихтиёр рўпара қилди.

— Кутубхонангизда анчагина китоб йиғилганга ўхшайди, – сўз қотаман ақллироқ савол тополмай.

— Тўрт минг атрофида, – Усмон ака китоблари сонини анча камайтириб айтди назаримда. Негаки, у кишининг шахсий кутубхонасида 5 мингдан ортиқ китоб жамланганлиги, 80-йилларда бир китоб қадрини биладиган киши бу китобларга яп-янги "Жигули"сини алмаштирмоқчи бўлганлиги ҳақида эшитгандим. Аммо Усмон ака бунга рози бўлмаган. "Бу китобларни умр бўйи йиғдим, уларни ҳеч бир моддий неъмат билан нархлаб бўлмайди", дейди.

"Тараққиётнинг умумий кўламида ҳар бир миллатнинг ўрни ўша миллат ўқиётган китобларнинг сони билан белгиланади", деган эди фаранг олими Эдуард Лабуле. Бу кўламда ўзбек мардуми Усмон аканинг ҳам ўз ўрни борлигига шубҳа қилмайман. Усмон акани болалигида кимдир китоб билан дўст тутинишига сабаб бўлгандир. Аммо китобни зўрлаб тиқиштириб бўлмайди унинг қадрини билмаган киши ҳаётига.

— Айрим одамлар билан суҳбатдош бўлгандан кўра бир варақ китоб (албатта, кўнгилни озиқлантирадиган китоб бўлса) ўқиган минг марта афзал, – дейди Усмон ака. Унинг бу сўзлари Валентин Овечкиннинг "Серташвиш баҳор" қаҳрамонларидан бири тилидан айтган "Илм олиш, маълумот фақат тоза мансабга миниш учун керакми? Ахир илмли одам учун дунёда яшаш ҳам қизиқроқ-ку! Кўп нарсага тушунади, адабиёт, санъат, фалсафа билан қизиқа бошлайди, ўртоқлари билан балки ўзи билан бир мактабда ўқиган хотини билан ҳар тўғрида суҳбатлаша олади. Маълумот шунчаки, ўзи учун, ҳаётининг маъносиз бўлмаслиги учун керак! Ер юзида кўр сичқонга ўхшаб ғафлатда яшамаслик учун илм керак", деган сўзларни эслатади менга.

Баъзан жоҳил суҳбатдошингиздан "этагингизни силкиб қочолмай" азият чекасиз. Усмон ака билан суҳбат қурсангиз, соатни кашф қилганлардан норози бўласиз. У киши суҳбатдошнинг руҳий ҳолатидан келиб чиқиб, "ҳангома"нинг нишабини истаган ўзанга сола оладди. Умар Хайём, Саъдий Шерозийдан ҳаётбахш рубоийлар ёддан айтиб, кўнглингиздаги чигилларни ёзиб юборади. Тиббиёт ходими билан врачлардек, радио-техник билимдони билан муҳандис, адабиётшунослар билан шеърият мухлиси, сиёсий шарҳловчилар билан сиёсатшунос даражасида суҳбатни "қийиб қўяди".

"Тарбияга уч асос: санъат, оммавий ахборот воситалари, китобдек ҳеч нарса таъсир кўрсата олмайди. Қолган ҳамма нарса шу уч асосга таянади". Ҳар гал Усмон ака билан суҳбатлашгач, мана шу оддий ҳақиқатга имон келтираман.

Даврадошларининг бир суҳбатида таниш дўхтиридан катта ва кичик қон айланиш тизими хусусидаги жиддий саволига "қон айланиш системаси икки хил бўладими?" деган жавобни олиб, "шундай "дўхтир"нинг қўлига тушган беморнинг ҳолига вой", деганди.

Ҳар сафар Усмон ака билан мириқиб суҳбатлашгач, беихтиёр Владимир Висоцкийнинг "Демак, сен болалигингда керакли китобни ўқигансан" сўзлари билан тугалланадиган ашуласини эслайман. Абдулла Орипов, Эркин Воҳидовнинг шеърий тўпламлари тўла жилди, Саъдий Шерозий, Умар Хайём асарлари, таниқли замондош шоирларнинг сара китоблари, чет эл классиклари асарлари, илмий-техникавий, илмий-оммабоп китоблар, "Квантовая библиотека" туркумидаги журналлар тахламлари, Фанлар академияси йилномалари, Ўзбекистон энциклопедиясининг ҳамма жилдлари мавжуд унинг кутубхонасида. Фикрлар оламида ақлини пешлаган Усмон ака ҳаётий кузатишларини мақоллар даражасидаги қуйма сатрлар орқали ифодалайди. Унинг дошинмандлигини кўриб, Дени Дидронинг "Одамлар китоб ўқишдан тўхтасалар, фикрлашдан ҳам тўхтайдилар" деган сўзлари ёдга келади.

Ўктам кишиларни ҳаётда кўп кўрганмиз. Ўктам фикрли кишиларни-чи? Тўғри, ҳаммамиз ҳам фикрлаймиз, бироқ ҳамма ҳам ўз фикрини изҳор қилавермайди. Герцен рус зиёлиларида илғаган бир иллатга ишора қилиб, киноя билан шундай деган эди: "Хоҳлаганингча ўйлайвер, бироқ ўзгалар каби алдай ол". Усмон акада фикрларини нозик вазиятларда ҳам айта олиш ўктамлиги бор.

— Шаҳримизда нечаларни биламан. Кутубхоналари жуда бой, – деб қолди бир сафарги суҳбатимизда Усмон ака. – Мурод ака Обидовнинг кутубхонасида қимматбаҳо, жуда ноёб китоблар кўп. Неъмат Нурбеков, Анвар Чимбосаров, Нуриддин Бобохоновларнинг яхшигина кутубхоналари бор. Биласизми, уларнинг ҳар бири билан илк бор суҳбатлашганимда "ҳойна-хой уйида китоби кўп бўлса керак" деган ўйга борганман. Адашмаган эканман. Дадам Дархон Мирзаевнинг ҳам каттагина шахсий кутубхонаси бор эди. Китобларини ҳаммага тарқатиб бердилар. Аммо менга тегмади.

Усмон Мирзаевнинг китобхонлигию, кутубхонасининг бойлиги ҳақида ёзса гап кўп. Аслида Усмон аканинг ўзлигини, инсон қадр-қимматини англашга, дўст қадрига етишга ўргатган ҳам унинг ана шу тилсиз дўстлари. Усмон ака ҳаёт гирдобида толиққан кезлари китобларга кўмилиб яшайди, улардан куч-қувват олиб, руҳи тетиклашади, дунёга келиш матлабини уддалаш мақсадида олдинга интилади.

Сафар ХОЛБОЕВ,
"Ҳуррият" мухбири.

Тиббий хизмат

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилиниши алоҳида қайд этилган. Бу кафолат амалини бизнинг Қувасойда ҳам кўриш мумкин.

Нигоҳларда ҳаёт ёлқини

Туманимизда оналар ва болалар соғлигини муҳофаза қилиш, соғломлаштириш ҳамда янги авлод баркамоллигини таъминлаш борасида қилинаётган ишлар кўлами вилоятда етакчи ўринлардан бирини эгаллаб келаётгани бугун кўпчиликка маълум.

Нисбатан унча катта бўлмаган Қувасойнинг ўзидагина малакали шифокорлар ва энг замонавий тиббий-техник жиҳозларга эга бўлган 11 та қишлоқ-врачлик пунктларининг самарали фаолият юритиб турганлиги ва боз устига жойларда патронаж (уйма-уй юриб тиббий-профилактик хизмат кўрсатиш) тадбирининг кенг кўламда жорий этилганлиги фикримизнинг далилидир.

Масалан, ҳар бир маҳалла учун алоҳида врач ва ҳамширалар таркибидан иборат гуруҳлар тузилган бўлиб, улар туғиш ёшидаги ёхуд ҳомиладор аёллар ҳолатини ва шунингдек, туғуруқхонадан чиққан оналар ва чақалоқлар соғлигини мунтазам кузатиб борадилар. Амалий-тиббий ёрдам кўрсатадилар.

Марказий шифохонамиз қошидаги болалар поликлиникаси фаолияти янаям қизғин ва бугунги талаб даражасида олиб борилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Кенг ва шинам, ёруғ ва озода бўлмалардаги энг замонавий тиббий-техник жиҳозларни, малакали врачлар ва ҳамшираларнинг оналар ва болалар саломатлиги учун жонкуярлигини, уларнинг юксак салоҳиятини кўриб, беихтиёр давлатимизга ва ана шу фидойи инсонларга тасаннолар айтсангиз арзийди.

Маълумки, бутун мамлакатимизда 12-25 ноябрь кунларига белгиланган қизамиқ ва қизилчага қарши эмлаш кампанияси муваффақиятли якунланди. Шу жумладан, бизнинг Қувасойда ҳам. Ўпка яллиғланиши, асаб тизимининг шикастланиши, карлик ва кўзи ожизлик асоратларини юзага келтириш, айниқса ҳомиладор аёлларга бола ташлаш, янги туғилган чақалоқ учун юрак касаллиги хавфини туғдириши мумкин бўлган бу иллатларга қарши эмлаш тадбирлари уюшқоқлик билан ўтказилди. Лозим бўлган миқдордаги вакциналар ва шприцлар билан бепул таъминланди.

Маҳаллаларда қишлоқ врачлик пунктларида, Туғуруқ уйи ёхуд болалар поликлиникаси ҳамда шифохоналарда хизмат юзасидан кезарканман, ҳар гал оналик бахтига мушарраф бўлган аёлларимизнинг, янги туғилган гўдаклар-у гулдек болажонларимиз қиёфасига, юз-кўзларига боқиб беихтиёр тўлқинланаман. Улар нигоҳида бахтиёр ҳаёт ёлқинини кўраман. Курраи заминимизнинг айрим давлатларида очлик, ногиронлик, хўрлик ва бошқа азобу уқубатлар ҳукм суриб турган бир пайтда, мустақил Ўзбекистонимиздаги осуда ва беармон ҳаётдан завқланаман. Шукроналар келтираман.

Ҳадичахон ЭРГАШЕВА,
Қувасой Марказий шифохонаси бош шифокорининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари. ®

Суратда: *(чапдан) Туғуруқ уйи бош доияси Зулфияхон Фозилова, Марказий шифохона бош шифокори ўринбосари Ҳадичахон Эргашева ва туғуруқ бўлими мудири Умиджон Қорабоевлар.*

Комилжон ТЎХТАСИНОВ олган сурат.

«Ўқувчини чалғитмайлик»

ёки тарих дарсликларидаги айрим чалкашлик ва нуқсонлар ҳақида

Газетамизнинг шу йил 31 октябрь сонида юқоридаги сарлавҳали мақола эълон қилинган эди. Унда ЎзМУ доценти Турсунбой Салимов ўрта мактабларнинг тарих дарсликларидаги айрим нуқсонлар ҳақида фикр юритганди. Хусусан, муаллиф «Тарих. Қадимги дунё» (А. Сагдуллаев, В. Костецкий) ва 8-синф учун «Ўзбекистон тарихи» (Қ. Усмонов, У. Жўраев, Н. Норқулов) китоблари таҳлилига асосий эътиборини қаратиб, илгари ўқитилган дарсликлар ва ҳозиргилари орасида йиллар, фактлар бобида фарқлар борлиги, лекин бу ўзгаришларнинг асосланмаганлигини қайд этганди. Мақола чоп этилгач, турли кўринишда — мактуб, телефон қўнғироқлари, интернет орқали муносабатлар билдирилди. Бугун мақолада тилга олинган дарсликлар муаллифларидан келган жавоб хатларини эътиборингизга ҳавола қилмоқдамиз.

Камчиликлар тузатилган

Мустақиллик йилларида таълим соҳасида ҳам асрга татигулик ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Жаҳон андозаларидан қолишмайдиган Давлат таълим стандартлари ва дастурлари қабул қилиниб, амалиётга жорий қилинди. Уларга мос равишда дарсликларнинг янги авлоди яратилмоқда. Жумладан, тарих фани дарсликларида илгари ёритилмаган мозийнинг кўпгина қирралари тадқиқотлар натижасида ўрганилиб, бир қанча мавзулар илк бор киритилди. Ўзбекистон тарихига оид Оксфорд кутубхонаси фондидан ҳеч қаерда чоп этилмаган кўпгина маълумотлар ва расмлар берилди.

Мактаб дарсликларини такомиллаштириш, янгиларини яратиш борасида сўнгги йилларда таҳсинга лойиқ ишлар қилинаётганини инкор қилиб бўлмайди. Хусусан, мақолада таъкидланганидек, мукаммал дарсликларни тайёрлаш борасида Халқ таълими вазирлиги томонидан эълон қилинаётган танловлар таҳсинга лойиқ.

Биз муаллифлик қилган 8-синф "Ўзбекистон тарихи" китоби ҳам ана шу танлов асосида яратилди ва аввалги нашрларида йўл қўйилган хато ва камчиликлар тузатилди.

Барчамизга маълумки, тарихий манбаларда воқеа-ҳодисаларнинг рўй берган санаси ҳижрий йил ҳисобида берилган. Аввалги дарсликларда ҳижрий йилни милодий йилга айлантиришда баъзи ноаниқликларга йўл қўйилган. Шу боис, 8-синф "Ўзбекистон тарихи" дарслигини тайёрлашда сўнгги манбаларга таянилди. Натижада, айрим саналарга аниқлик киритилиб, ўзгартирилди.

Мақола муаллифининг "Дастлабки дарсликда Шайбоний Убайдуллахоннинг бошқаруви 1530-1539 йиллар бўлса, иккинчисида 1533-1539 йилларга айланади" деган эътирозига нисбатан қуйидагиларни билдирамиз: 2006 йилда нашр қилинган "Ўзбекистон тарихи" дарслигида Убайдуллахоннинг бошқаруви 1533-1539 йиллар эмас, балки 1533-1540 йиллар деб ёзилган. Бу саналарнинг тўғрилигини қуйидаги манбалар тасдиқлайди: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 12 Том. 150-бет, 9 Том. 33-бет. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Туркистон Чор Россияси мустамлакачилиги даврида. — Т.; "Шарқ", 2000, 26-бет.

Халқ таълими вазирлиги томонидан ҳар йили фойдаланишга тавсия этиладиган дарсликлар ва ўқув қўлланмалари рўйхати "Маърифат", "Учитель Узбекистана" газеталарида эълон қилиб борилади. Агар ўқувчи 1999 йилда мактабни тугатган бўлса, бу — бугун у ўша даврдаги дарслик асосида тест топширади дегани эмас. Абитуриент қачон мактабни битирган бўлишидан қатъи назар амалдаги дарсликлардан кириш имтиҳонларини топширади.

Аммо мақолада тўғри таъкидлаганидек, Хива хонлиги аҳолиси 800 мингдан 300 минг кишига тушиб қолган. Бу ерда техник хато туфайли 8 рақами ўрнига 3 рақами босилган. Шунингдек, муаллифнинг "Доро I нинг подшолигини аслида мил.ав. 522-486 йиллар бўлгани ҳолда милоддан аввалги 522-468 йилларга ўзгартиришади" деган эътирози ҳам тўғри. 486 рақами 8 билан 6 нинг ўрни алмашиб кетиши оқибатида 468 деб ёзилган. Ушбу камчиликларни тўғрилаб ўқитиш юзасидан ўқитувчиларнинг август кенгашларидаги "Дарсликлардаги техник хатолар билан ишлаш" юзасидан берилган тавсияларда айтиб ўтилган.

Қ. УСМОНОВ,
тарих фанлари доктори,
профессор.

Хатоларни инкор этмаймиз, бироқ...

2003 йилдан бошлаб 6-синфнинг ўқув режасига кўра, Ўзбекистон тарихи ва жаҳон тарихи фанлари бирлаштирилган ҳолда ўрта мактабларда ўқитилмоқда. Ўқувчилар "Тарих. Қадимги дунё" янги дарслигидан фойдаланишяпти.

Ҳар қандай китобда учрагани сингари «Ўзбекистон тарихи» ва «Тарих. Қадим дунё» нашрларида айрим хатолар ва ноаниқликларга йўл қўйилганини инкор этмаймиз. Дарсликларда мавжуд бўлган айрим камчиликлар — муаллифлар хатолари деб тан оламиз.

Доцент Т. Салимовдан ташқари бизнинг дарсликларимиз юзасидан билдирилган бошқа мақолалар ҳам чоп этилган. Афсуски, ушбу мавзуга бағишланган барча мақолалар Республика ўрта умумтаълим мактаблари учун тарих фанидан услуб ва мазмун жиҳатдан сифатли дарсликлар яратиш муаммосига бағишланмаган. Жумладан, 6-синф учун «Ўзбекистон тарихи» ва «Тарих. Қадимги дунё» дарсликларнинг тарихий мазмуни, ўқув-услубий томонлари, баён қилиш шакли, ўқув материалларининг ўқувчилар томонидан қандай ўзлаштирилиши ҳақида бирор оғиз ҳам сўз айтилмаган. Эълон қилинган мақолаларда ўз аксини топган фикрлар негадир фақат тестлар тузиш ва тест синовлари муаммолари билан боғланган бўлиб, гўёки муаллиф ва бошқа муаллифлар томонидан билдирилган айрим фикр-мулоҳазалар тарихдан тест синовлари оммавий равишда салбий якунланишининг олдини олиш мақсадида ёритилган.

Шуни унутмаслик керакки, мустақиллик йилларида ўрта мактаблар учун чоп этилган дарсликларнинг муаллифларида ушбу йўналишда аввал ҳеч қандай тажриба бўлмаган, чунки собиқ совет даврида Ўзбекистон тарихи бўйича бирорта ҳам ҳаққоний дарслик яратилмаган эди. Шунинг учун ҳам амалдаги дарсликларда айрим хато ва камчиликларнинг бўлиши табиий ҳол.

Вақти келиб бошқа тарихчилар томонидан бугунгидан ҳам мукаммал янги дарсликлар яратилишига ҳеч кимда шубҳа йўқ. Ҳозирги муаллифлар фақатгина ана шу соҳага пойдевор қўйишди холос. Тарихчи олимлар, ўқитувчи-услубиятчиларнинг амалий таклифлар билан чиқиши жуда муҳимдир. Тарих соҳасида мутахассисларнинг бирлашуви, уларнинг илмий ва ўқув-услубий ҳамкорлиги ижобий натижаларга олиб келишига ишончимиз комил.

А. САГДУЛЛАЕВ,
профессор.

Акс-садо

Чўлпон таваллудининг 110 йиллиги

Тонг юлдузи янглиғ

XX аср ўзбек шеъриятининг энг ёрқин сиймоларидан бири Чўлпоннинг асл исми Абдулҳамид бўлиб, отасининг оти Сулаймондир. Маълумки, ўзини тонг юлдузи (Чўлпон) деб атаган шоир Абдулҳамид Сулаймон 1897 йил Туркистоннинг қадимий машҳур Андижон шаҳрида савдогар оиласида дунёга келди. Дастлаб у шу ердаги эски мактабда, кейинчалик эса янги усул мактабларида ўқиб, савод чиқарди. Адабиёт ва санъатга, матбуотга эрта қизиқа бошлади. Шоир ўзбек халқ оғзаки ижоди (афсоналар, қўшиқлар, чўпчаклар) билан бирга қадимий ўзбек ёзма адабиётининг улуғ намояндалари Навоий, Бобур, Увайсий, Маҳзуна, Мукимий, Фурқат, шунингдек, қардош Озарбайжон шоирлари Фузулий, Муҳаммад Ҳоди, турклардан Тавфиқ Фикрат, татарлардан Абдулла Тўқай ва бошқаларнинг асарларини севиб ўқиди. "Садойи Туркистон" (1914-1915), "Шўро" (1908-1917) газета ва журналларида мақолалари билан қатнашди.

1917 йилги рус февраль инқиболидан кейин унинг таъсири билан Туркистонда кучая бошлаган маърифатчилик ва истиқлолчилик ҳаракатларида яна ҳам фаол қатнашди. Ҳамза, Фитрат, Маҳмудхўжа Беҳбудий каби "Туркистон мухторияти" ғаласасини олқишлаб асарлар ёзади ("Озод турк байрами" шеъри). 1918 йил февралда мухторият большевиклар томонидан зўравонлик билан тугатилгач, унинг ишторокчилари ва аъзолари хавф-хатар остида қоладилар, лекин улар истиқлолчилик ҳаракатини давом эттириш учун турли томонга кетадилар. Аҳмад Закий Валидийнинг хотираларида ёзилишича, Убайдулла Хўжаев билан бирга шоир Абдулҳамид Сулаймон Чўлпон Оренбургга келган. Бу ерда Бошқирдистон миллий ҳукумати раиси ва ҳарбий нозири Закий Валидийнинг котиби бўлиб ишлаган ва миллий истиқлолчилик ғояларини яширин ташвиқ қилишда қозоқ ва ўзбек зиёли ёшлари билан бирга ҳамкорликда иш олиб борган. Кейинчалик у "Иштирокиюн" (1919-1920), "Қизил байроқ" (1921-1922), "Туркистон" (1922-1924), "Бухоро ахбори" (1921-1922), "Фарғона" (1924-1925) газеталари ва "Билим ўчоғи" (1921), "Инқилоб" (1922) каби журналларда босилган ўзининг "Бузулган ўлка", "Қўзғалиш", "Кишан" (1922-1923), "Вайроналар орасида" (1924) каби баъзи шеър ва мақолаларида советлар зулми остида қолган Туркистоннинг турли шаҳар ва қишлоқларидаги вайронагарчилик ва талончиликларни аёвсиз фош қилди.

Бундан ташқари у бу даврда Қозоғистоннинг Чимкент, Қирғизистоннинг Ўш вилоятларида кезиб, у ерларнинг гўзал табиати, қардош қозоқ, қирғиз халқларининг ҳаёти билан танишади, чоризм ва совет мустамлакачилар сиёсати давридаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётга оид "Чимкент хотиралари", "Булоқлар қучоғида", "Қутурган мустамлакаличиклар" сингари асарларини ёзади. "Марҳум Тавфиқ Фикрат" (1920), "500 йил" (Навоий ҳақида, 1924), "Увайсий", "Фузулий пичинглари" (1936) сингари адабий-бадиий публицистик мақолаларида эса ўзбек-озарбайжон, усмонли турк ва бошқа қардош халқларнинг етук шоирларини тарғиб ва ташвиқ қилади.

"Улуғ Ҳинду" (1925) мақоласида эса у улкан ҳинд ёзувчиси Робиндранат Тагорни "Ғарб билан Шарқ ўртасидаги олтин кўприк"ка қиёслаб, унинг буюклигини Ҳимолай тоғидан ҳам баланд, деб таърифлайди, марҳум турк шоири Тавфиқ Фикратни "Усмонли янги адабиётнинг устози" сифатида фахр билан тилга олади.

Чўлпон йигирманчи йилларнинг иккинчи ярмидан кейин Москвага кетиб, у ерда очилган ўзбек давлат драм труппаси студиясида адабий мураббий бўлиб ишлай бошлайди.

Чўлпон бу даврда драматургия соҳаларида ҳам ишлаб, ўзининг машҳур "Ёркиной" (1926) номли саҳна асарини яратади. Унда шоир ўзбек халқи ўртасида машҳур бўлган соф севги, садоқат туйғуларини ёрқин романтик бўёқларда тасвирлайди. Шоирнинг кейинчалик ёзган "Кеча ва кундуз" (1936)романида эса 1917 йил февраль ўзгаришигача Туркистон халқлари ўртасида чор амалдорлари ва маҳаллий золимларга нисбатан уйғонган нафрат, айниқса, эзилган ўзбек аёлларининг оғир, ачинарли ҳаёти куюниб тасвирланади.

Чўлпон таржима ишлари билан ҳам шуғулланиб, ҳинд адиби Р. Тагорнинг "Ҳой, йўловчи қиз", "Дарё бўйидаги зинапоя да", рус классик ва янги замон адабиётидан Александр Пушкиннинг "Гул ва булбул", "Олтин балиқ", И. Тургеневнинг "Чўри қиз", буюк инглиз дараматурги Вильям Шекспирнинг "Ҳамлет" каби асарларини ўзбек тилига маҳорат билан ағдаради. Чўлпон "Сўз, сўз, сўз" (1929) мақоласида В. Шекспирнинг "Ҳамлет" драмасига юксак баҳо бериб, ўзбек театри ижодкорлари драма тили устида ишлашда, унинг маҳоратида ибрат олишга даъво этади.

Чўлпон ўз она-Ватани Ўзбекистонни ниҳоятда севар, унинг ҳар қандай ёмон кўздан сақлашга, кўкрак кериб ҳимоя қилишга даъват этарди. У ўзининг "Бизнинг Ватан" (1934) номли шеърида бу ҳақда юксак бир ифтихор билан ёзган эди:

Ер юзинда ўзга бир олам эрур
бизнинг Ватан,
Бошқа ҳар бир ўлкадан кенг,
ҳар диёрдан каттакон.
Бу Ватанни жон билан сақлашга,
Чўлпон, ҳозир ўл,
Кимки қасд этса анга кийсин
пушаймондан кафан.

Ватан мустақиллиги ва даҳлсизлигининг оташин куйчиси бўлган Чўлпон ҳам унинг бошқа маслакдошлари — истиқлол фидойилари Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий каби XX асрнинг 30-йиллари охирларида сталинча репрессиянинг бегуноҳ қурбони бўлиб, уларнинг асарлари узоқ йиллар қайта босилмай, ўрганилмай келинди.

Чўлпон асарлари фақат Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришгандан кейингина қайта нашр этила бошланди. Чўлпон ҳақида таниқли адабиётшунос олимлар Иззат Султон, Наим Каримов, С. Мамажонов, Сирожиддин Аҳмад ва бошқаларнинг китоб ва мақолалари чоп этилди. Шоир Усмон Азим "Кундузсиз кечалар" саҳна асарини яратди. Чўлпон ҳаёти ва фаолияти, мероси миллий истиқлол нуқтаи назаридан янгича талқин ва тадқиқ этила бошланди. Миллий истиқлолимиз йўлидаги фидокорона хизматлари учун республикамизнинг энг нуфузли ордени — Мустақиллик ордени билан тақдирланди.

Бу йил маърифат ва истиқлол фидойиси бўлган шоиримиз таваллудига 110 йил тўлди.

Шерали ТУРДИЕВ

ЧЎЛПОН

Қаландар ишқи

Муҳаббатнинг саройи кенг экан, йўлни йўқотдим-ку,
Асрлик тош янглиғ бу хатарлик йўлда қотдим-ку.

Карашма денгизин кўрдим, на нозлик тўлқини бордир,
Ҳалокат бўлғусин билмай, қулочни катта отдим-ку.

Ажаб дунё экан бу ишқ дунёси, аё дўстлар,
Бу дунё деб, у дунёни баҳосиз пулга сотдим-ку.

Унинг гулзорида булбул ўқиб қон айлади бағрим,
Кўзимдан ёшни жў айлаб, аламлар ичра ботдим-ку.

Қаландардек юриб дунёни кездим, топмайин ёрни
Яна кулбамга қайғулар, аламлар бир-ла қайтдим-ку.

Муҳаббат осмонида гўзал Чўлпон эдим, дўстлар,
Қуёшнинг нурига тоқат қилолмай ерга ботдим-ку.

Қизилча ва қизамиқ

касалликларига қарши эмлаш намунали ўтказилди

Глобаллашув жараёнида ҳеч бир муаммо биргина мамлакатнинг доирасида чегараланиб қолмайди. Айниқса, экологик номутаносибликлар туфайли келиб чиқаётган касалликлар ҳаво орқали турли минтақаларга ёйилмоқда.

Ёдингизда бўлса, олдинги йилларда парранда гриппи вируслари кенг тарқалган ва кўплаб инсонлар ҳаётига зомин бўлганди. Юртимизда эса бу ҳолат аввалдан тўғри баҳоланган ва ўз вақтида зарур чора-тадбирлар қўлланилгани боис нохуш вазиятларнинг олди олинганди. Эндиликда бу офат хавфи тўлиқ бартараф этилган бўлса-да, огоҳлик ва ҳушёрлик қўлдан бой берилмаяпти. Хусусан, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан республика миқёсида тадбирлар ўтказилиб, аҳоли саломатлиги янада мустаҳкамланмоқда. Қизамиқ ва қизилчага қарши эмлаш ўтказилгани умумхалқ манфаатига дахлдор ана шундай тадбирлардан бири бўлди. Унга юртимиздаги 11 ёшдан 29 ёшгача бўлган 8 млн.дан зиёд киши жалб этилди. Мақсад — 2010 йилга бориб, мамлакатимизда қизамиқ ва қизилча касалликлари хавфини бутунлай йўқ қилишга эришишдан иборат.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, ҳар йили дунёда 30 млн.дан ортиқ киши ушбу касалликлардан азият чекар экан. Қизамиқ ва қизилчанинг асоратлари эса ўта хавфлидир. Бу касалликлар асаб тизимининг шикастланиши, ўпка яллиғланиши, туғма юрак пороги, карлик ва кўзи ожизлик каби асоратларга олиб келиши мумкин. Шунинг учун ҳам Соғлиқни сақлаш вазирлиги вақти-вақти билан эмлаш тадбирларини уюштириб туради. Бу йилги вакцина акциянинг ўтказиш жараёнлари билан яқиндан танишиш учун вилоятларда бўлдик.

Хоразм вилоятида ҳам бошқа жойлардаги каби оммавий эмлаш ойлиги уюшқоқлик билан ўтказилди. Вилоятда аҳолининг тегишли қатлами қайта рўйхатга олинди. 441 та эмлаш пунктлари 541 680 нафар кишига хизмат қилди. Аввало, аҳолини вакцина акциясига онгли равишда жалб этиш учун тушунтириш ишлари олиб борилди. Соғлиқни сақлаш тизими ходимлари учун ҳам алоҳида семинарлар ташкил этилди. Мингдан ошиқ тиббий ходимлар аттестациядан ўтказилиб, муносибларига сертификатлар топширилди... Вакцина акциянинг намунали ўктазиш учун кўрилган бу каби чора-тадбирлар самарасиз кетмади. Эмланган кишиларнинг ҳеч бирида салбий ҳолатлар кузатилмади.

Дарвоқе, мутахассисларнинг айтишича, эмлашдан сўнг юзага келиши мумкин бўлган ҳар қандай нохуш ҳолат фақатгина организмнинг бегона моддани қабул қилиш жараёнида ҳаракатга келишидир. Қорақалпоғистонлик шифокорлар ҳам бу ҳолатни одамларга тушунтиришга астойдил ҳаракат қилишди. Республикада вакцина акция ишларини ташкил қилиш учун ишчи гуруҳлар сафарбар этилди. Жумладан, Амударё, Кегайли туманларида амалга оширилган эмлаш тадбирларини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

— Касалнинг олдини олган афзал, — дейди қўқонлик Муҳриддин Асқаров. — Шунинг учун оиламиздаги эмланиши керак бўлганларнинг барчаси биргаликда шифохонага бордик. Касалликларга қарши эмланганимиз — ўзимизга яхши.

Худди шунингдек, республикамизнинг жанубий вилоятлари — Сурхондарё ва Қашқадарёда ҳам вакцина акция тадбирлари қизғин олиб борилди. Буларнинг барчасидан битта хулоса чиқариш мумкин: халқимиз ўз саломатлигига бефарқ қарамайди. Зеро, "Саломатлик — туман бойлик" деб бежиз айтишмаган-да!

Нўъмон ИСАНОВ,
Ислом СУЛТОНОВ

Тадбир

Тошкент шаҳридаги «Proton» илмий-техника МЧЖ жамоаси

Ўзбекистон халқини яқинлашиб келаётган аҳём 8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституциясн қабул қилинганлигининг 15 йиллиги билан ғин қалбдан табриклайди.



Барча ватандошларимизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат тилаймиз.

Ал-Ҳаким ат-Термизий:

Саратон хасталиги ва унинг давоси ҳақида

Волидаи муҳтарамам Танзила бинтининг пойларидан, (товонларидан) ўлим яраси ўса бошлади. (Рак хасталиги назарда тутилган **Г.Ҳ.**). Бу яра кундан-кунга ўса бошлади. Онам ўзларининг ҳолларини билгач, талвасага тушиб қолган эдилар. Камина ҳам онаизоримнинг вафотлари яқин эканлигини ҳис қилганим сари Аллоҳдан шу заифага умр тилардим. Тўққизинчи куни онамнинг яралари анча йириклашди. Мен пешин намозини ўқиганимдан кейин, Хизр Алайҳиссаломдан сабоқ олишга Жайҳун кунарасига бордим. Камина ҳар тўққиз кунда у зоти олий билан ҳамсуҳбат бўлардим. Берган сабоқларини китобат қилардим. Бу рўз ул зот каминанинг хафаҳоллигимни кўриб,- ердин қумлоқни солари билан қозиб, еттита тухумни қўлимга тутдилар-да: "Буни волидангни пойига суртгин", — дедилар. Камина ул кишининг айтганларин бажо келтирдим. Волидамнинг оёқларини тиззларигача бу тухумни суртдим. Сўнг онам бутун аъзоларидан тер ва зардобдек ҳид чиқардилар, аъзолари юмшоқ бўлиб қолган эди. Таннинг юмшоқлигини ҳеч нарса билан алмаштириб бўлмасди. Қўлга момиқдек мулойим туйилди. Мен онам мумдек эриб, оламдан ўтмоқда деб ўйлардим. Яна устозим кўз олдимда гавдаланди. «Волиданг бир неча сония ором олишлари керак», — дедилар. Шундан сўнг 10-15 дақиқадан кейин волидам акса урдилар. Вале, ул заифанинг оёқларини кўришга қўрқиб турардим. Волидам неча дақиқалардан сўнг «Ўғлим, бизга Яратганнинг раҳми келсин, дард бергувчи ҳам ўзи олгувчи ҳам ўзлари, дард берган Мавлом давосини ҳам беради, сиз ҳеч қўрқмасдан боғлаган малҳамингизни ечиб кўринг», — дедилар. Шундан сўнг камина боғлаган малҳамимни ечиб кўрдим.

Волидамнинг оёқларидаги яранинг бир саночича қолган эди. Бу Аллоҳнинг иродаси, дард берган Эгамнинг берган давоси эди. Волидам ўринларидан туришга ошиқардилар, камина эрса, онаизоримни ўринларидан туришга ҳоллари йўқлигини била туриб, рухсат беролмадим. Вале, волидам каминанинг рухсатини ҳурмат этар эдилар. Баъзад волидам, жуда сермулоҳаза бўлиб, оқила аёл бўлганликларидан ҳам улус олдида катта ҳурматга эга эди. Танзила бону бетоб деб Балхдан ҳам дўстлари аҳволлашур эрди.

Волидамнинг оёқларига иккинчи тухумни ҳам эрта тонгдан боғладим. Энди волидам ҳеч қандай оғриқ сезмаётганлигини тез-тез такрорлардилар. Камина бу муолажани уч кун давом эттирдим. Волидамнинг оёқларида дарддан асар ҳам қолмади. Дарддан батамом форуғ бўлдилар.

Волидаи муҳтарамам бирла маслаҳат қилиб бу тухумнинг ниманинг тухуми эканлигини ва бу тухумда Аллоҳнинг яна қанча мўъжизалари борлигини ўрганмоқчи бўлдим. Жайҳун кунараси бўйлаб қадим кечувгача аёв кум кечиб юра бошладим. Устозим мен бирла сайр қилар ва мени ёлғиз учратиб қолсалар "Қутуб"лар олдига олиб борардилар. Аллоҳнинг етти мўъжизасидек, мен ҳам етти қутуб билан суҳбатлашар эрдим.

Бу "Қутуб"лар, "Абдол"лар, "Ниқоб"лар ҳар "Қирқ" кунда тўпланишар, каминага уларнинг даражаларига етмоқлик учун Аллоҳ олдида ҳали беминнат хизмат қилмоғи лозим эди.

Волидамни Аллоҳ изни билан шифо топишларига кўмаклашганимдан сўнг, яна Жайҳун кунараси бўйлаб келаётганимда "Қутуб"лар пешвоси Ҳазрати Хужайи Хизр алайҳиссалом тонг гумбазидан келаётган эдилар. Биз жуда кўп нарсалар ҳақида суҳбатлашдик. Ул муборак зот волидамнинг аҳволларини сўрадилар. «Аллоҳга шукур ва ҳамду санолар бўлсин волидаи муҳтарамам ўз оёқлари билан юраяптилар», — дедим, "Ҳар бир ишингиздан Аллоҳ рози бўлсин", дедилар.

Шундан сўнг камина ўшал тухумнинг ниманинг тухуми эканлигини сўрашга ботинолмай турган эдим. Устознинг ўзлари: "Бу тошбақанинг тухуми, у ҳар қандай ўсимтани даф қилади", дедилар.

Бу тухум саратоннинг қандай турларини даф қилиши мумкин, деган фикрда турганимда, яна устоз: "Бу тухум саратоннинг ҳар қандай турида ҳам фойда беради, вале саратон эрканлигини аниқламоқ даркор. Саратон (ўлим яраси) ҳар қандай бетобликдан сўнг ҳам пайдо бўлиши мумкин. Буни кўпчилик бедаво дард деб келмоқдалар. Вале Аллоҳ таоло дард берибдими, унинг давосини ҳам беради", дедилар.

Саратоннинг ҳар қандай турларида мен муолажани тажриба қилиб кўрдим. Жуда оғир ҳолатларида, истеъмол ҳам қилдирдим. Вале сурункали буйрак касалликларининг (ҳозирги фанда плиневрит — **Г.Ҳ.**). Ўн бир-ўн икки турида мен шу муолажадан фойдаландим.

1. Буйрак халтачасининг яраланиши (яллиғланиши бўлса керак **Г.Ҳ.**). Бу бетобликда тошбақа тухуми белнинг буйрак соҳасига уқалаб (массаж қилиб) сўнг суртилади.

2. Буйрак безларининг яллиғланишида, агар тошбақанинг тухуми топилмаса, унинг ўзини сўйиб, тошчалари майдаланиб, шўрва қилиб қайнатилади, вале олти-етти соат қайнатилмоғи лозим бўлади. Шундан сўнг силта ҳолатига келгандан кейин, тузсиз пиширилган тошчалар бел соҳасига боғланади, бу саратон бўлиб кетмаслигини олдини олади.

Билакс тухумдек фойда қилолмайди, таъби тортса, ўлимдан қолмоқ истаса Аллоҳга таваккал қилиб, шифо учун истеъмол қилса, яхши фойда беради, вале тузсиз истеъмол қилсин.

3. Буйрак қотиб қолган ёки қуриган деб тахмин қилинса, тошбақанинг тухумини обдон суртиш керак, бир неча соатдан сўнг яна тузсиз шўрвадан ичириб ва яна тухумдан суртиш керак бўлади, бу Ипак йўлидан ўтаётган бир гуржистонлик савдогарга шу муолажани қилган эдик, ўн бир кундин сўнг ўз юртига карвон билан кетди.

Буйрак хасталикларининг ўн бир-ўн турида ҳам мен тошбақанинг гўшти, тоши, тухумидан фойдаландим.

Вале барчасини Аллоҳ билгувчидир.

«Шарҳи илми ат-тиб ал-Ҳакимия» китоби асосида нашрга тайёрловчи:
Гулсум ХЎЖАМШУКУРОВА,
илмий тадқиқотчи.

ТАҲРИРИЯТДАН:

Мақолада саратон хасталигини даволаш хусусида айтилган мулоҳазалар мунозарали, баҳсталаб бўлиши мумкин. Замонавий тиббиётда бу борада мутлақо бошқача қарашлар тан олиниши бор гап. Лекин юртимизда кўп асрлар давомида халқ табобати ҳам ривож топиб келган. Улуғ алломаларимиз турли табиий усуллари воситасида кўплаб хасталикларга даво топишган. Қолаверса, илоҳиёт билан боғлиқ мўъжизаларга бугунги фан ҳам ожиздир. Қадимги манбалар асосида тайёрланган ушбу мақола ҳам ана шу жиҳати билан эътиборимизни тортди. Бироқ бу билан мақолада келтирилган тавсия илмий жиҳатдан исботланган ҳукм дейиш фикридан йироқмиз.

Саломатлик

Сочмалар

Одамнинг соддаси бўлмайди

- Барча яхшиликлар муҳаббатдандир.
- Исботинг бўлмаса, ҳеч нарсага шубҳа билан қарама.
- Дўстларим – таянчим, душманларим – қувватим.
- Икки оғиз гапини эшитмай туриб кишига баҳо берманг.
- Ўғрининг миллати бўлмайди.
- Одамнинг кўнглини топиш қийин, йўқотиш осон.
- Инсониятни мардлик ва гўзаллик тараққиёт томон бошлайди.
- Одамнинг соддаси бўлмайди, содда кўринишдаги кишилар бўлади.
- Ер думалоқ эканлигини ҳамма билади, лекин ер думалоқ эмаслигини ҳамма кўради.
- Ердан топасан, ерга қараб юр, аммо ҳамиша тепангга қарашни ҳам унутма.
- Муштуми бақувватни эмас, юраги бақувватни мард дейдилар.
- Суқротнинг сўзини айтиш учун, Суқрот бўлиш шарт эмас.
- Баъзи бир куёвлар — ўғил, баъзи ўғиллар ёв бўлади.

Мансурхон ТОИРОВ,
физика-математика фанлари доктори.

Муяссар Раззоқова:

«Опера - ўта таъсирчан, ўта жозибадор санъат»

Шуҳрат тез келиши мумкин. Аммо шуҳратни бир умр сақлашгина эмас, уни янги-янги ижод поғоналарига кўтариш ва мустаҳкамлаб бориш залворли вазифа.

Опера санъатининг энг юқори чўққиларида ҳам оддийликни, самимийликни сақлаб қола олган Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти, бир неча халқаро танловлар, мукофотлар совриндори Муяссар Раззоқова эл-юрт олдидаги бурч ва масъулиятни ҳис қилиб, замонга ҳамнафас, одамларга яқин бўлишга, томошабинларнинг қалбидан жой оладиган ўзбек миллий опера санъатини жаҳонга олиб чиқиш орзу-умидлари билан завқланади. Унинг дилрабо қўшиқлари, оҳанрабо овози янграганда уни нафақат Ўзбекистонда, балки бутун Шарқда, хорижий мамлакатларда ҳам орзиқиб тинглашади, қадрлашади, санъатини тан олишади.

Ҳаётнинг аёвсиз суронлари-ю, тўфонларига қарамай, юксак ўй-мақсадлари йўлида булбулдек овозини дунёга таратаётган Муяссар Раззоқованинг машаққатли ижод жараёнини кузатар эканман, кўнглимда беихтиёр саволлар туғилади...

– Муяссар опа, санъат ҳаёт-мамотингизга ўхшайди, гўё. Сизни операнинг нимаси ўзига бунча сеҳрлаб қўйган?

– Опера – ўта таъсирчан, ўта жозибадор санъат. Уни куйлаш ҳам, тинглаш ҳам оғир. Ҳар доим саҳнага чиқиб операда янги тимсолларни яратиб, халққа тақдим этаётганимда бутун борлиғимни унутаман. Куй сеҳридан кўнглимда кечирган, ҳис қилган таассуротларнинг лаззатини сўз билан тасвирлашга ожизман.

Опера асосан Италия, Франция, Америка, Германия, Испания, Греция сингари давлатларда кўпроқ ривожланган. Бу санъатни улар юракдан ҳис этишади. Халқимизнинг эстетик тафаккурига операни сингдириш учун Европа услубидан ташқари томошабинлар эътиборини торта оладиган миллий опералар яратиб куйлашга ҳаракат қиламан.

Операда чиқишни орзу қилиб юрган кезларимда илк бор овозимни эшитиб, масхара қилганлар ҳам бўлган. Бироқ, кейинчалик опера саҳнасида ария ёки вокал чиқишларимни, хатти-ҳаракатимни завқ билан томоша қилиб, овозимни тинглаб тан беришди.

Ушбу санъатим орқали халқаро танловларда иштирок этиб, мукофотлар совриндори бўлдим. Мухлислар орттирдим. Мен бундан жуда бахтиёрман. Аммо... санъаткор – бу жуда юксак ном. У эл назарига тушган, халқнинг ҳурматини қозонган, маданиятли, дид ва фаросати чархланган киши. Санъаткорлар ичида бундай гўзал ҳислатларни ўзбек операсининг асосчиларидан Саодат Қобулова, Ҳалима Носирова, ҳамда Назира Аҳмедовада кўрардим.

– Устозингиз Саодат Қобулова билан суҳбатлашганимда "Санъат оламида Муяссар Раззоқова каби кучли овоз соҳибалари бор экан, опера келажагидан кўзим қувонади", дея тўлқинланиб гапирган бўлса, Ҳалима Носирова эса овозингизни эшитиб, «Булбулча» дея сизга берган таърифи омадми, мўъжизами ёки тасодифми?

– Бу – бир бахт! Етти ёшимдан қўшиқ куйлайман. Оиладагиларим санъатни яхши тушунишади. Қорақалпоғистондаги "Шевченко" номли мактабда ўқиб юрган кезларимда туманда ўтказилган "Марҳабо талантлар" кўрик-танловида иштирок этгандим. Ўшанда танлов ҳайъати аъзолари ичида Саодат Қобулова ҳам бор эдилар. Ҳаваскорлар қаторида саҳнага отилиб чиқиб, қўшиқ куйлаётганимда Саодат Қобулова ҳаяжонланиб ўтирган жойидан туриб мени табриклади. Тадбир тугагач алоҳида ёнига чақириб:

— Қизим, мактабни битиргач, албатта консерваторияга ўқишга ҳужжатларингизни топширинг. Имтиҳонларга ўзим тайёрлайман. Бундай ноёб овозлар кам топилади. Истеъдодларни кўз қорачиғимиздек асрашимиз лозим, – дея ўқитувчиларимга ҳам тайинлади. Мактабни тугатгач, Саодат опанинг тавсияси билан консерваториянинг "Вокал" факультетига ўқишга кириш бахтига муяссар бўлдим. Олийгоҳ таҳсили опера қандай санъат эканлигини тушуниб ижро этишни, образ яратиш жараёнида саҳнавий хатти-ҳаракатни, мусиқа ва қўшиқ билан боғланиб бориш йўлларини ўргатди. Айниқса, ўша даврларда томошабинларни ҳайратҳаяжонга солган Саодат Қобулова ижросидаги "Зайнаб ва Омон"да Ҳури, "Зулматдан зиё"да Гулнор, "Майсаранинг иши"да Одина партияларини катта саҳналарда куйлаш менга насиб этди. Дирижёр Мухтор Ашрафий ва Э.Хильевич ёрдамида айнан Саодат Қобулова овозига мослаб яратилган Алишер Навоийнинг "Сабъаи сайёр" асари асосидаги "Дилором" операсини куйладим. Бу опера шу қадар кучли яратилганки, жаҳон саҳналарида ҳам чексиз олқишларга сабаб бўлди. Ҳозир ҳам мана шундай операларга эҳтиёж сезилмоқда. Қолаверса, дунёга машҳур устозим у немис операчиси Розалинда Лауд Европа куйларини ҳам маромига етказиб куйлашни ўргатди. Ҳар доим ижод жараёнида Саодат опадан маслаҳат сўрардим. Фақат у кишига суянардим. Қалби тоза, онадек меҳрибон, санъатимизнинг фидойи жонкуярларидан эди. Устозимнинг вафоти менга оғир таъсир этди. Ҳозир ҳар қадамимда у кишининг йўқлиги сезилади. Лекин Саодат опадан сўнмас санъати-ю, мангу қўшиқлари келажак авлодга мерос бўлиб қолди.

– Яқинда пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги давлат Академик катта театрида юздан ортиқ опералари жаҳонга машҳур халқаро давлат мукофотлари совриндори Маквала Касрашвили билан бўлиб ўтган концерт дастурингиз ўзбек опера санъати тарихида ўчмас из қолдирди. Юртимизга дунё тан олган санъаткорларнинг ташрифи мамлакатимиз опера санъати ривожига ижобий таъсир кўрсатади. Шундай эмасми?

– 1968 йили Россиядан Ўзбекистонга бир гуруҳ театр ходимлари келишганди. Иштирокчилар ичида Маквала Касрашвили ҳам бор эди ўшанда. Анжуман тугагач, саёҳат давомида Бухоро ва Хоразмнинг тарихий обидаларининг нақадар бетакрор ва беқиёс эканлиги ҳақида тўлқинланиб сўзлаганди. 2005 йили эса Москвадаги "Халқаро мусиқа уйи"да бутун дунёга машҳур операчиларнинг концерт дастури намойиш этилди. Зал томошабинга тўлиб кетганди. Барчанинг нигоҳи бизда. "Саҳнада ўзбекистонлик машҳур опера юлдузи Муяссар Раззоқова" деб эълон қилингач, ўзбек миллий операларидан ижро этдим. Томошабинлар зўр қизиқиш билан тинглашди. Опера ниҳоясида зал олқишларга тўлди. Концерт поёнига етгач, "Овозингизни эшитиб, сизни Италияда таҳсил олганми деб ўйлагандик. Ўзбекистонда шундай катта санъат даргалари борлиги бизни ҳайратга солди", – дея эътироф этганлар ҳам бўлди. Ўшанда Маквала Касрашвилида мен билан яккахон концерт уюштириш фикри туғилганди. Бу концерт яқинда Алишер Навоий номидаги давлат Академик катта театрида намойиш этилди. Мамлакатимизда бундай концертларни ташкил этиш ўзбек миллий санъати жаҳон билан ҳамнафас бўлиши учун кўприк вазифасини ўтайди.

– Сизнингча, айни пайтда ўзбек опера-балет талабларига жавоб бера оладиган асарлар яратиляптими?

– Умуман олганда, ўзбек опера-балет ҳамда мусиқали драма санъатида эришган ютуқларимиз бисёр. Театримизга операчи ва дирижёр талабига жавоб берадиган асарлар тақдим этиляпти. Жумладан, Икром Акбаровнинг "Жалолиддин Мангуберди" операси анча йиллардан бери саҳналаштирилмай қолиб кетяпти. Унинг ўрнига классик операларимизга янгича тус бериб, катта мусиқали драма театрларимизда маҳоратсиз, овозсиз ёшларга бериб қўйилаётганлиги опера обрўсига путур етказмайдими? Яқинда намойиш этилган "Тоҳир ва Зуҳра" операси ҳам муваффақият қозонолмади. Сабаби, "Сизнинг ёшингиз ўтди", деб Зуҳра партиясини менга беришмади. Ваҳоланки, Саодат опа Зуҳрани ижро этганларида 60 ёшда бўлганлар. Мен энди 40 ёшга тўлдим. Ушбу тимсол талқини ҳеч бўлмаганда маҳоратли санъаткор Саида Мамадалиевага берилганида эди, аҳвол шунчаликка бормаган бўларди, эҳтимол.

Сўнгги вақтларда ўзбек миллий опера санъати мураккаб аҳволни бошидан кечираётир. Бунга асосий сабаблардан бири, асл, юксак бадиий ва ғоявий савиядаги янги опера асарлари деярли яратилмаяпти. Негаки, театр аҳли бастакорлар билан ҳамкорлик олиб боришмаяпти. Қолаверса, имкониятлардан тўғри фойдаланган ҳолда болалар операсини ривожлантириш борасида ҳам жиддий мушоҳада юритиш керак. Балет санъати эса ҳали-ҳануз муаммолигича қолмоқда. Миллий опералардаги етакчи партияларни маҳорат билан ижро этадиган, томошабинлар қалбини ром эта оладиган, шиддатли ва ўткир ширали овозга эга бўлган ўзбек опера ижрочилари бармоқ билан санарли. Бугунги кунда санъат оламида Малика Норматова, Маҳфуза Исломова, Самандар Алимовлар борлиги мени қувонтиради.

Учрашув

Лекин анча йиллардан буён республикамиздаги Алишер Навоий номидаги театрда фаолият кўрсатаётганлигим боис ижод жараёнининг сустлашиб бораётганлигини кўриб ташвишга тушаман. Театримизни жаҳонга олиб чиқиш кераклигини, бунинг учун етарли шарт-шароитлар ҳозирлаш, ўз ишининг усталари бўлган композиторлар, юқори савияда ёзилган асарлар, иқтидорли ижрочиларни жалб этиш, театрга ишга қабул қилиш, саҳнада ўзини кўрсатишлари учун етарли шароитлар яратиб бериш лозимлиги борасида театр директори Бахтиёр Ёқубов билан кўп тортишаман. Аммо биронта ижобий ўзгариш, олдинга силжиш сезилмаяпти. Биласизми, овозим айни кучга тўлган паллада театрда умрим майда-чуйда нарсалар билан ўтиб кетмоқда. Икки ойдан бери на концерт қўйдим, на бирор янги қўшиқлар устида ишладим. Агар театрнинг аҳволи яхшиланса, келажакда томошабинларга янги опералар тақдим этиш ниятим бор.

– Таниқли дирижёр Дилбар Абдураҳмонова билан ижодий ҳамкорлигингиз хусусида тўхталиб ўтсангиз...

– Дилбар Абдураҳмонова шубҳасиз профессионал дирижёр. Ундан ташқари маънавиятли, опера санъатидан хабардор ижодкор. Дилбар опа дирижёрлигида "Севги шароби"да Одина, "Силвия сартароши"да Розина, "Тровиота"да Виолетта партияларини ижро этдим. Ўз халқини жаҳон мусиқа санъатининг чўққиларига олиб чиқишга мушарраф бўлган Дилбар Абдураҳмоновадек дирижёрлар борлигидан фахрланишимиз керак. Мен у билан ижодий ҳамкорлигимиздан қувонаман.

– Келгусида қандай ижодий ишларни режалаштирясиз?

– Устозим Саодат Қобулова ижро этган "Куйгай", "Дугоҳ", "Муножот" каби мақомларни маромига етказиб куйлаш ниятим бор. Яқинда Нью-Йоркда концерт намойиш этишим учун таклифнома келди. Ҳозир ана шу концертга тайёргарлик кўраяпман.

Адиба УМИРОВА
суҳбатлашди.

Фикр

Билимнинг илдизи аччиқ, лекин меваси ширин.
АРАСТУ

Спорт

Чемпионга 7,5 миллион евро

Люцерн шаҳрида келаси йилнинг 7-29 июнь кунлари Австрия ва Швейцария давлатларида футбол бўйича бўлиб ўтадиган навбатдаги Европа чемпионатига қуръа ташлаш маросими ўтказилди.

Мусобақа низомига кўра, баҳслар Австриянинг Клагенфурт, Инсбурк, Зальцбург, Вена, Швейцариянинг Базель, Цюрих, Женева ҳамда Берн шаҳарларида уюштирилади. Унда қитъанинг энг кучли ўн олти терма жамоаси тўрттадан тўрт гуруҳга бўлинган ҳолда ғолиблик учун кураш олиб боради.

Қуръага мувофиқ иштирокчилар гуруҳларга қуйидагича тақсимланган:

«А» гуруҳи: Швейцария, Чехия, Португалия, Туркия.
«В» гуруҳи: Австрия, Хорватия, Германия, Польша.
«С» гуруҳи: Голландия, Италия, Руминия, Франция.
«Д» гуруҳи: Греция, Швеция, Испания, Россия.

Эътиборлиси, УЕФА бу галги қитъа чемпионати соврин жамғармасини 184 миллион евро миқдорида белгилаган. Жумладан, ўн олти терма жамоа мусобақада қатнашгани учун 7,5 миллион евро миқдоридаги маблағга эга бўлади. Гуруҳ баҳсларида ҳар бир ғалаба учун бир миллион, дуранг натижа қайд этса, терма жамоаларга 500 минг евродан мукофот берилади. Чорак финалга чиққан иштирокчиларга икки миллион евро берилса, ярим финалчилар уч миллион евро берилади.

«Евро — 2008» баҳслари ғолибига олтин медаллардан ташқари 7,5 миллион евро тегса, финалчи 4,5 миллион еврони қўлга киритади.

Кака — «Олтин тўп» соҳиби

Франциянинг France Football нашри Европанинг «2007 йилдаги энг яхши футболчиси» номини эълон қилди. Унга кўра, мазкур юксак нюмга Италиянинг «Милан» ҳамда Бразилия терма жамоалари етакчиси Кака сазовор бўлди.

Сўров натижаларига мувофиқ, «Манчестер Юнайтед» (Англия) ва Португалия терма жамоалари ярим ҳимоячиси Криштиану Роналду ҳамда «Барселона» (Испания) ва Аргентина терма жамоалари ҳужумчиси Лионел Месси кейинги поғоналарни банд этди, деб хабар қилади Reuters агентлиги.

Кака ўтган мавсумда «Милан» жамоасининг Европа чемпионлари лигасидаги ғалабасига салмоқли улуш қўшди. У ушбу мусобақада рақиблар дарвозасига ўнта тўп киритиб, турнирнинг моҳир тўпурари бўлганди.

«Олтин тўп соҳиби»ни аниқлаш учун ўтказилган сўровда нафақат France Football, балки дунёнинг бир қатор бошқа футбол нашларидан жами 96 нафар журналист иштирок этди. Эслатиб ўтамиз, ўтган йилги мавсумда Италия терма жамоаси сардори Фабио Каннаваро Европанинг «Энг яхши футболчиси», деб топилганди.

Улуғбек ЁРМАТОВ

HURRIYAT
Mustaqil gazeta
O'zingni angla!

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2.

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Абдурасул ЖУМАҚУЛ

Таҳрир ҳайъати: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Тўлан НИЗОМ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Ҳаким САТТОРИЙ (масъул котиб), Шерзод ҒУЛОМОВ

Таҳририятга юборилган хат ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тел-факс: 133-36-02. **Тел:** 136-53-31, 136-53-38, 136-75-15
Реклама ва маркетинг бўлими: 136-56-38

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Бухоро — 8-365-715-30-57
Наманган — 8-369-412-31-54
Самарқанд — 8-366-233-62-12
Сирдарё — 8-367-374-81-53
Сурхондарё — 8-376-335-10-22
Тошкент — 8-370-762-16-86
Фарғона — 8-373-225-80-58
Хоразм — 8-362-226-20-80
Қашқадарё — 8-375-221-78-50
Қорақалпоғистон — 8-361-55-428-97

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Фаррух ЖАББОРОВ

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 23.00

® — тижорат белгиси.

Буюртма — Г-1155 Т: 2401 1 2 3 4 5